



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 12 » oktabr

№ 638

Toshkent sh.

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшлиарни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли сalomатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4860-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

а) Умумий ўрта таълим ташкилотларида инклузив таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

инклузив таълимнинг мақсади ва вазифалари;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун мактабларда инклузив таълим ва бошланғич таянч коррекцион синфлар фаолиятини йўлга кўйиш ҳамда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш тартиби;

ўқувчиларни инклузив таълим синфларига ва бошланғич таянч коррекцион синфларга қабул қилиш тартиби;

инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларда таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш тартиби;

б) Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, уларда ўқув-тарбия ва даволаш-соғломлаштириш жараёнларини ташкил қилиш тартиби;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг умумий ўрта таълим олишда ва уларни билиш имкониятларига мувофиқ тарбиялашда, уларнинг жамиятга мослашуви ва интеграциялашувида кўмаклашиш тартиби;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклузив шароитда таълим олиши учун умумтаълим ташкилотларига ўтказиш тартиби;

алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган ўқувчиларни ихтисослаштирилган таълим муассасасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги муассасасига ўтказиш тартиби;

в) Санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ:

алоҳида шароитларда даволаниш ва соғломлаштиришга, таълим ва тарбия олишга муҳтож болалар ҳукуқларини таъминлашга йўналтирилган ҳамда санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг ташкил этиш тартиби;

санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, уларда ўқувтарбия ҳамда даволаш-соғломлаштириш жараёнларини ташкил қилиш тартиби;

ўқувчиларни санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби;

г) Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болаларга уйда якка тартибда таълим бериш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг уйда таълим олишларини ташкил этиш ва ўқув-тарбия жараёнини бошқариш механизмлари;

уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда мактаб директори, синф раҳбари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналарнинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари;

Тиббий кўрик натижасига кўра, ўқувчидан уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар (патологик ҳолатлар) мавжудлиги аниқланганда, тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан ўқувчининг уйда якка тартибда таълим олишга муҳтожлиги тўғрисида тиббий хulos расмийлаштириш тартиби;

уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхати; мактаб томонидан ўқувчининг соғлиғи ҳолатини инобатта олиб, ота-оналар билан келишган ҳолда ишлаб чиқиладиган дарс жадвали шакли;

уйда якка тартибда таълим олаётган ўқувчининг ҳар бир фан бўйича алоҳида юритиладиган баҳолаш дафтари шакли;

д) Психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларига (мактаб, мактаб-интернатларга) юбориш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссияларни (кейинги ўринларда – психологик-тиббий-педагогик комиссиялар) ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни уларнинг психофизик имкониятларига мос равишда таълим олишларини ташкил этиш тартиби;

психологик-тиббий-педагогик комиссияларнинг мақсад ва вазифалари;

психологик-тиббий-педагогик комиссиялар фаолиятини ташкил этиш тартиби;

психологик-тиббий-педагогик комиссиялар томонидан хужжатларни кўриб чиқиш тартиби;

е) Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида касбга ўқитиш курсларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг касб эгаллашини таъминлаш, ўқувчиларда касбий қўнималарни шакллантириш, уларга маҳсус ва чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган касбларни ўргатишни йўлга кўйиш тартиби;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида касбга ўқитиш курслари жиҳозлаш учун талаб этиладиган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар рўйхати;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида касбга ўқитиш курсларини муваффақиятли тутатган ўқувчиларга меҳнат қилиш хуқуқини берувчи касб малакаси бўйича давлат намунасидаги сертификат шакли тасдиқлансин.

2. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллашига кўмаклашишни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ 7-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

3. Куйидагилар алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллашига кўмаклашишни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб таълим олишга ва касбга ўқитишга жалб этилишини доимий назорат қилиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим бериш ва уларга касб-хунар ўргатиш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишларни танқидий ўрганиб бориш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриш;

соҳага оид илгор хорижий тажриба ва инновацияларни амалиётга жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 8-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 12 октябрдаги 638 –сон қарорига
1-илова

**Умумий ўрта таълим ташкилотларида инклузив таълимни
ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом умумий ўрта таълим ташкилотларида (кейинги ўринларда – мактаб) жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (кейинги ўринларда – алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар) учун инклузив таълимни ташкил этиш тартибини белгилайди.

Мактабларда бошлангич таянч коррекцион синфлар очилиши мумкин.

2. Ушбу Низом талаблари давлат умумтаълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

инклузив таълим – алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчиilar учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлаган ҳолда бериладиган таълим;

инклузив таълим синфи – мактабдаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг бошқа (соғлом) болалар билан тенг ҳуқуқли ва биргаликдаги таълим олишлари шаклида ташкил этилган синф;

бошлангич таянч коррекцион синфи – мактабда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун алоҳида ташкил этилдиган бошлангич синф;

ўқувчилар – инклузив таълим ва бошлангич таянч коррекцион синфларда таҳсил олаётган соғлом ёки алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар.

4. Мактабда ўқувчилар таълим жараёнига мослашиш даражасига қараб бошқа (соғлом) болалар билан бир қаторда мактабга қатнаб муайян синфнинг ўқув режасига мос келадиган ўқув дастурлари доирасида таҳсил олади.

Мактабга қатнаб ўқиш имконияти бўлмаган ўқувчиларга таълим бериш ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан келишилган тавсияга мувофиқ зарур билим, малака ва кўнникмаларни масофадан туриб ёки уйда якка тартибда таълим бериш орқали амалга оширилади.

Ўқувчилар турили тўгараклар, секциялар, мактабдан ташқари тадбирларда қатнашиш имконияти эга.

5. Инклузив таълимни ташкил этиш инсонпарварлик, умуминсоний қадриятлар, бағрикенглик, ошкоралик тамойилларига асосан амалга оширилади.

6. Мактабда инклузив таълим ва бошлангич таянч коррекцион синфлар болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, ақлий ривожланиши даражаси, соматик ва асаб-руҳий соғлиғи ҳолатига мувофиқ ташкил этилади.

2-боб. Инклузив таълимнинг мақсади ва вазифалари

7. Инклузив таълимнинг мақсади – алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар учун мактабда маҳсус восита ва методларни қўллаш орқали маҳсус педагогларни жалб этган ҳолда тўсиқсиз мослаштирилган таълим мухитини яратиш, уларнинг жамиятга самарали мослашуви ҳамда тўлақонли уйғунлашувига хизмат қиласиган сифатли умумий ўрта таълим беришни таъминлашдан иборат.

Мактаблар алоҳида таълим олиш эҳтиёжи бўлган болалар ва уларнинг ота-оналарига коррекцион педагогик ёрдам олишида ва касбга йўналтиришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатади.

8. Инклузив таълимнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ривожланишнинг турли имкониятларига эга бўлган ўқувчилар учун ҳар қандай камситилишни истисно қиласиган, барча болаларга тенг муносабатда бўлишни таъминлайдиган ягона мослаштирилган ижтимоий мухитни яратиш;

жамоатчилик ҳамда таълим жараёнининг барча иштирокчиларида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар муаммоларига нисбатан бағрикенглик муносабатини шакллантириш;

таълим жараёнида соғлом болалар билан бир қаторда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг ақлий ва ижтимоий салоҳиятларини ривожлантириш;

барча ўқувчилар учун давлат таълим стандартларига мувофиқ умумий ўрта таълим дастурларини ўзлаштириш учун имконият яратиш;

ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши, эмоционал-иродавий соҳаси, билиш фаолиятини фаоллаштириш, ижтимоий кўникма ва салоҳиятини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга маслаҳат ёрдами бериш ҳамда ота-оналарни фарзандларига таълим-тарбия бериш, педагогик технологиялар, таълим-тарбия метод ва воситаларини қўллаш соҳасида хабардорлик даражасини ошириш, уларни психологик-педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

3-боб. Мактабда инклузив таълим ва бошлангич таянч коррекцион синфларни ташкил этиш

9. Мактабда инклузив таълим ва бошлангич таянч коррекцион синфлар худуддаги аҳоли эҳтиёжи ва ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар таклифи билан Қорақалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош

бошқармаси (кейинги ўринларда – худудий халқ таълими бошқармаси) буйругига кўра ташкил этилади.

Нодавлат таълим ташкилотлари ҳам барча зарур шароитлар мавжуд бўлган тақдирда инклюзив таълим ва бошланғич таянч коррекцион синфларни ташкил этишлари мумкин.

Нодавлат таълим ташкилотларида инклюзив таълим ва бошланғич таянч коррекцион синфларни ташкил этиш тегишлича худудий халқ таълими бошқармаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

10. Инклюзив таълим ва бошланғич таянч коррекцион синфлар ўқувчиларнинг бино ичидаги ҳаракатланиши ва таълим олишлари учун маҳсус шароитлар яратилган мактабларда ташкил этилади.

11. Инклюзив таълим ва бошланғич таянч коррекцион синфлар ташкил этилган мактаблар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази ҳамда худудий халқ таълими бошқармалари томонидан методик таъминланади ва мувофиқлаштирилади.

4-боб. Ўқувчиларни инклюзив таълим синфларига ва бошланғич таянч коррекцион синфларга қабул қилиш тартиби

12. Мактабнинг инклюзив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларнинг биринчи синфида ўқувчилар улар етти ёшга тўладиган йилда қабул қилинади.

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олиш хуқуқини таъминлаш мақсадида умумтаълим мактаблари учун белгиланган ёш меъёридан икки йилга ошган болаларни қабул қилишга рухсат этилади.

13. Ўқувчиларни инклюзив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларга қабул қилиш ҳамда чиқариш худудий халқ таълими бошқармаси ҳузурида ташкил этилган Психологик-тиббий-педагогик комиссия (кейинги ўринларда – психологик-тиббий-педагогик комиссия) холосасига кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар розилиги билан амалга оширилади.

Психологик-тиббий-педагогик комиссия йўлланмаси ўқувчиларни инклюзив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларга қабул қилинишига асос ҳисобланади.

14. Инклюзив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларга бошқа маъмурий-худудий бирлиқдан келиб ўқиш истагини билдирган ўқувчилар ўқувчини қабул қилаётган мактаб жойлашган худуднинг психологик-тиббий-педагогик комиссияси йўлланмасига асосан қабул қилинади.

15. Ўкувчиларни инклузив таълим синфларига ва бошланғич таянч коррекцион синфларга қабул қилиш ўкув йили бошлангунча ҳамда ўкув йили давомида амалга оширилади ва мактаб директорининг буйруги билан расмийлаштирилади.

16. Инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларга йўлланган ҳар бир ўкувчига ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан шахсий хужжатлар йиғмажилди расмийлаштирилади ва мактаб раҳбариятига тақдим этилади.

Ўкувчининг шахсий хужжатлар йиғмажилдида куйидаги хужжатлар бўлади:

ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг аризаси;

психологик-тиббий-педагогик комиссия хуносаси;

таълим олганлиги тўғрисидаги хужжатлар (таълим муассасаларида ўқиётган болалар учун);

ўқишидан таълимнинг муддати, ўкув фанларини ўзлаштириши ва хулқ-авори, ўқувчига якка тартибда кўмак бериш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг батафсил таҳлили акс эттирилган маълумотнома ва тавсифнома (таълим муассасаларида ўқиётган болалар учун);

ўқувчининг яшаш жойидаги шифохона бош врачи томонидан имзоланган, унинг ривожланиши тарихидан муфассал қўчирма.

17. Инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларга қуйидаги тоифадаги болалар қабул қилинади:

эшитища нуқсони бўлган болалар (эшитиш қобилиятининг йўқотилиши 60 Дб гача бўлган ривожланишида қўшимча бузилишлар бўлмаган болалар);

кўрища нуқсони бўлган болалар (кўриш қобилиятининг бузилиши 0,1 гача бўлган ривожланишида қўшимча бузилишлар бўлмаган болалар);

соматик касалликлар (психофизик ва нутқнинг ривожланиш даражаси ёшига мос келмайдиган болалар);

нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар (алалия, дислалия, афазия, ринолалия, дизартрия, психик-нутқий ривожидаги сустлик, дудукланиш);

таянч-харакат аппаратида нуқсони бўлган болалар (болалар церебрал фалажи, сколиоз, полиомиелит, миопатия, остеомиелит, ампутация, бўй ўсишининг етишмовчилиги – паканалик);

ақлий ривожланиши сақланган ҳолда таянч-харакат тизимидағи бузилиши бўлган болалар;

ақлий ривожланиши сақланган ёки руҳий ривожланишда орқада қолган болалар (ўзи ҳаракат қила оладиган ёки қўшимча мосламалар ва ногиронлик аравачасида ҳаракатлана оладиган болалар церебрал фалажи);

интеллектуал ривожланишнинг потенциал бузилмаган имкониятлари билан руҳий ривожланишда орқада қолган болалар;

хулқ-атвор ва руҳиятнинг кўпол бузилишларисиз аутистик спектри бузилган болалар;

интеллектуал ривожланиши сақланиб қолинган, тутқаноқ ҳолатида бўлган болалар (агар бола антиконвульсант дорисини қабул қилгандা, тутқаноқ 1 ойда 1 мартадан ошмаган пайтда).

18. Мактаб ушбу Низомнинг 17-бандида қайд этилган тоифадаги болаларни қабул қилишдан бош тортишга хақли эмас.

19. Қуйидаги тоифадаги болалар қабул қилинмайди:

акли ўта заиф болалар (имбицил, идиотия даражасидаги олигофрения);
хулқ-атворида оғир бузилишлар, ҳиссий-иродавий соҳасида (органик) нуқсонлари бўлган болалар;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган, мустақил равища ҳаракатлана олмайдиган ва ўз-ўзига хизмат кўрсата олмайдиган болалар;

кўр-кар-соқов болалар;

тез-тез такрорланадиган эпилептик тутқаноқдан азият чекадиган (эпилептик деменция, кундузги ва тунги вақтларда тутқаноғи тез-тез такрорланадиган) болалар;

марказий асад тизимиға шикаст етганлиги туфайли сийдик ва нажасини ушлаб туролмайдиган болалар.

5-боб. Инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларда ўқув-таълим жараёнини ташкил этиш

20. Инклузив таълим синфларида жами ўқувчилар сони 30 нафардан ошмаслиги керак. Ушбу синфларда умумий ўрта таълим дастурлари бўйича оммавий тарзда ўқиётган ўқувчилар билан бирга маҳсус (коррекцион) дастурлар асосида ўқиётган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар сони 3 нафардан ошмаслиги лозим.

Инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларга фақат бир хил тиббий ташхисдаги ўқувчилар қабул қилинади.

21. Мактабларда инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфлар сони бир параллел синфларда 2 тадан ортиқ ташкил этилмайди.

22. Бошланғич таянч коррекцион синфларда ўқувчилар сони амалдаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар (шахслар) учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) синфларидаги ўқувчилар сони меъёрларига мувофиқ равища белгиланади.

23. Инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларда ўқитиш ва тарбиялаш жараёни ўқувчиларнинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Ўқувчиларнинг билимлари улардаги нуқсонларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандартларига мувофиқ баҳоланади.

24. Таълим-тарбия жараёни давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув режаси ва дастур асосида маҳсус коррекцион тузатиш усусларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилади.

25. Инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфлардаги ўқувчиларга индивидуал таълим дастурларини ўзлаштиришга ёрдам кўрсатиш маҳсус педагоглар ва тыюторлар (ёрдамчи педагог ходимлар) томонидан амалга оширилади.

26. Ҳар бир инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфлар очилган мактаб учун алоҳида маҳсус педагог штат бирликлари ажратилади.

27. Ўқувчилар билан индивидуал таълим дастурларини ўзлаштириш, нуқсонларни тузатиш (коррекция) ва улар билан боғлик бола ривожланишининг ўзига хосликларини бартараф этиш ишлари маҳсус педагоглар томонидан таълим жараёнидаги барча дарсларда, синфдан ташқари ва бошқа тадбирларда амалга оширилади.

28. Инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфлар очилган мактабларда ўқувчиларга индивидуал таълим дастурларини ўзлаштириш, ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш, уларга турли кўринишдаги психологик ёрдам бериш мақсадида маҳсус ёрдам кўрсатиш хоналари ташкил этилади.

Маҳсус ёрдам кўрсатиш хоналари зарур маҳсус жиҳозлар билан таъминланади.

29. Инклузив таълим синфлари жорий қилинган мактабларга тыютор (ёрдамчи педагог ходим) сифатида тегишли малакага эга волонтёрлар ва олий таълим муассасаларининг педагогика йўналишидаги юқори курс талабалари педагогик амалиёт даврида ихтиёрийлик асосида жалб қилинади.

Талабаларни инклузив таълим синфлари жорий қилинган мактабларга жалб этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

30. Инклузив таълим синфларида ўқувчиларга олий маълумотли, шунингдек, тегишли қайта тайёрлашдан ўтган ўқитувчи ёки дефектологлар томонидан дарс берилади.

Бошланғич таянч коррекцион синфларда ўқувчиларга дефектология соҳаси бўйича олий маълумотли педагоглар, шунингдек, дефектология (соҳаси) бўйича тегишли қайта тайёрлашдан ўтган бошланғич синф ўқитувчилар томонидан дарс берилади.

31. Ҳар бир ўқувчи учун умумий ўрта таълим дастури ва маҳсус (коррекцион) таълим дастуридан келиб чиқиб мактаб томонидан тасдиқланадиган йиллик режа ва машғулотлар жадвали тузилади.

Бунда ўкувчининг индивидуал психожисмоний хусусиятлари, қизиқишилари ҳамда психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг тавсиялари инобатга олинади.

32. Ўкувчиларни ўқитиш методикасини ишлаб чиқишида қўйидагилар инобатга олинади:

тыюторнинг таълим жараёнида тўлиқ ёки қисман иштироки зарурати; енгиллаштирилган индивидуал кун тартибини (топшириклар ҳажми, ҳафта давомида қўшимча дам олиш куни ва бошкалар) ташкил этиш;

ўкувчиларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб дарс машғулотларини тузиш;

умумривожлантирувчи ва фанлар йўналишидаги машғулотларни индивидуал ва гурух шаклида ташкил этиш;

психолог, маҳсус педагог ва бошқа мутахассисларнинг мактабдан ва синфдан ташқари коррекцион-ривожлантирувчи машғулотларини ташкил этиш.

33. Таълим жараёнида қўлланиладиган метод ва воситалар болаларнинг ҳар томонлама ақлий, жисмоний ривожланишини таъминлашга ва етук шахсни тарбиялашга қаратилади.

6-боб. Педагог ходимлар фаолияти ва ота-оналар билан ҳамкорлик

34. Мактабларда инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфлар ўкувчиларининг салоҳиятини ривожлантириш мақсадида ўкувчилар учун индивидуал ўкув дастурлари ишлаб чиқилади.

35. Инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфлардаги таълим-тарбия жараёнининг назорати ушбу синф раҳбари томонидан амалга оширилади.

36. Маҳсус педагоглар инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларда ҳамда маҳсус ёрдам кўрсатиш хоналарида ўкувчилар билан коррекцион-педагогик ишларни олиб борувчи ва мувофиқлатирувчи асосий мутахассис ҳисобланади.

37. Маҳсус педагоглар бошқа педагоглар билан биргаликда инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфлар ўкувчилари билан ишлаш режасини тузади ва уларни синфга уйғунлаштиради.

38. Маҳсус педагоглар корекцион таълимни олиб боради, машғулотларнинг мазмуни ва методларини танлайди, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга коррекцион-педагогик, тиббий ёрдам кўрсатилишини мувофиқлаштиради, бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда умумий машғулотларни, кичик гурӯҳларда ва алоҳида-алоҳида машғулотларни олиб боради.

Зарурат бўлганда ўкувчилар билан қўшимча якка тартибда машғулотлар ташкил этилади.

39. Ўқувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнида иштирокини таъминлаш ҳамда уларнинг индивидуал (мослаштирилган) таълим дастурларини ўзлаштиришда тьюторлар яқиндан ёрдамлашади.

Тьютор:

таълим жараёнида содир бўладиган муаммолар ва қийинчиликларни енгишга кўмаклашади;

таълим жараёнининг индивидуаллашуви (индивидуал таълим дастурларини тузиш ва ш.к.) учун шароитлар яратади;

ўқувчиларнинг ўқув дастурларини давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ даражада ўзлаштиришига кўмаклашади, боланинг ўқув юкламаси ва имкониятларини таҳлил қиласи, тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар беради;

ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликда таълим олувчиларнинг таълимий қизиқишиларини аниқлаш, шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан ҳамкорликни ўрнатади.

40. Мактаб психолори ҳар бир ўқувчининг психик саломатлигини ҳимоялаш, психик ривожланишидаги камчиликларни бартараф этиш ва коррекциялашга кўмаклашиш мақсадида қуидаги вазифаларни бажаради:

ўқувчини индивидуал ривожлантириш (оилада ва инклузив таълим шароитида таълим бериш) дастурларини тузиш;

ўқувчилар билан гурухларда машғулотлар олиб бориш;

ўқувчиларни доимий равишда психолог-педагогик жиҳатдан ўрганиш ва уларни тарбиялаш бўйича ота-оналарга маслаҳатлар бериш.

41. Мактабдаги жисмоний тарбия ўқитувчиси ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида қуидаги вазифаларни бажаради:

ўқувчиларнинг жисмоний ва психик хусусиятларидан келиб чиқиб улар билан якка ва гурухли тарзда машғулотлар олиб бориш;

ўқувчилар билан биргаликда спорт тадбирлари ва мусобақаларни ташкил этиш;

ота-оналарга ўқувчиларни жисмоний тарбия ва соғломлаштириш соҳасида маслаҳатлар бериш;

тиббиёт ходимлари билан биргаликда ҳар бир ўқувчининг жисмоний юкламасини тартибга солиш.

42. Мактабда тиббиёт ходими томонидан ўқувчиларга маҳсус тиббий ёрдам кўрсатилади.

Тиббиёт ходими:

ўқувчиларнинг руҳий асаб ҳолатини текширади, зарурат бўлганда даволаш муолажаларини тавсия этади;

коррекцион-педагогик таълим жараёнида болалар соғлигини назорат қиласи ҳамда ақлий ва жисмоний юкламанинг меъёрини белгилайди;

ўқувчиларнинг соматик ва руҳий саломатлигини сақлаш юзасидан ота-оналарга маслаҳат беради ва бошқа мутахассислар билан хамкорликда уларни соғломлаштириш ишларини олиб боради.

7-боб. Инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларда таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш

43. Синфларда дарс машғулотларининг ўз вақтида олиб борилиши, ўқув дастурларининг бажарилиши юзасидан назоратни мактаб директори ва унинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари амалга оширади.

44. Ўқувчиларнинг мажмуавий текширилишини, психологик-тиббий-педагогик консилиум фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш учун мактаб директори буйруғи асосида куйидаги таркибдан иборат бўлган Кенгаш тузилади:

ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари (Кенгаш раиси);

маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари (Кенгаш раиси ўринбосари);

инклузив таълим синфи ва бошланғич таянч коррекцион синф ўқитувчилари;

психолог;

максус педагог;

тыютор;

врач-педиатр, (психоневролог), тиббиёт ҳамшираси.

45. Мактабда мавжуд бўлмаган мутахассислар шартнома асосида Кенгаш ишига жалб қилиниши мумкин.

46. Ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар Кенгаш йигилишларида иштирок этишлари мумкин.

47. Кенгаш ўқувчиларнинг ўзлаштириши, ўқув дастурларини бажариши, соғлиги ҳамда психологик ҳолати бўйича ўқув йилининг ҳар чорагида камида бир маротаба йигилиш ўтказади.

48. Кенгаш ўқувчиларнинг ўзлаштириши, ўқув дастурларини бажариши, соғлиги ҳамда психологик ҳолатидан келиб чиқиб ўқувчини инклузив таълим синфи ёки бошланғич коррекцион синфнинг ўқувчилар сафидан чиқариш юзасидан психологик-тиббий-педагогик комиссияга таклиф киритади.

8-боб. Молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш

49. Мактаб инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфлардаги ўқувчилар учун машғулотлар, дам олиш, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ҳамда коррекцион-ривожлантирувчи ишлар олиб борилишига мўлжалланган шароитларни таъминлайди.

50. Инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларни комплектлаш худудий халқ таълими бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар молия бошқармалари билан келишилган ҳолда ҳар йили 20 августгача амалга оширилади.

51. Инклузив таълим синфлари ҳамда бошланғич таянч коррекцион синфларнинг ўқувчиларини таъминлаш ва ўқитиш қонунчилик хужжатларига мувофиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

52. Инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларни молиялаштириш белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ, шунингдек, жамоатчилик, ҳайрия ва халқаро ташкилотларнинг ҳайрия маблағлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

53. Инклузив таълим синфлари ўқитувчиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўланадиган устама ҳақи синфда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган бир нафар бола учун лавозим маошининг 10 фоизи, икки нафар бола учун лавозим маошининг 20 фоизи, уч нафар бола учун лавозим маошининг 30 фоизи миқдорида, икки ва ундан ортиқ инклузив таълим синфларида тўрт нафар ва ундан ортиқ бола учун таълим-тарбия ишларини олиб борган ўқитувчилар ва маҳсус педагогларга лавозим маошининг 40 фоизи миқдорида белгиланади.

Бошланғич таянч коррекцион синфлар ўқитувчилари ва маҳсус педагогларга меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўланадиган устама ҳақи лавозим маошининг 50 фоизи миқдорида тўланади.

54. Инклузив таълим синфлари синф раҳбарига синф раҳбарлиги учун тўлиқ ҳажмда қўшимча маблағ ажратилади ва у директор жамғармасидан рағбатлантирилади.

9-боб. Якунловчи қоидалар

55. Мактабларнинг инклузив таълим соҳасида халқаро ҳамкорлиги халқаро шартномалар асосида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, педагог ходимларнинг малака ошириши ҳамда стажировка ўташи шаклида амалга оширилиши мумкин.

56. Мактаб директори болалар инклузив таълим синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларга қабул қилиниши учун белгиланган тартибда шахсан жавоб беради.

57. Ўқувчиларнинг мактабга келиб-кетишидаги ҳаёти ва соғлиғи учун жавобгарлик уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар зиммасига юклатилди.

Ўқувчиларнинг мактаб худудидаги ҳаёти ва соғлиғи учун жавобгарлик мактабга юкланади.

58. Мактаблар инклузив таълим соҳасида ўқувчиларнинг ота-оналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа таълим ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан узвий алоқада фаолият кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 12 октябрдаги 638сон қарорига
2-илова

**Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун
давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг (кейинги ўринларда – алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар) таълим тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган, шунингдек, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган таълим муассасалари) мақомини белгилайди ва уларнинг фаолиятини тартибга солади.

2. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда ўз уставига амал қиласди.

3. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари таълим-тарбия бериш, коррекциялаш ва даволаш-согломлаштириш муассасалари ҳисобланади ҳамда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг умумий ўрта таълим олишда ва уларни билиш имкониятларига мувофиқ тарбиялашда, уларнинг жамиятга мослашуви ва интеграциялашувида кўмаклашиш, шунингдек, ижтимоий ёрдамга муҳтож оиласаларга фарзандларини тарбиялаш ва уларга таълим беришда ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилади.

4. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади.

5. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари аккредитацияси атtestация асосида, ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

2-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг вазифалари

6. Куйидагилар ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – вазирлик) томонидан тасдиқланган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ўқитиш маҳсус ўкув дастурлари талаблари асосида билим олишни таъминлаш;

шахсга ва ижтимоий йўналтирилган таълим жараёнида ўқувчиларнинг энг мақбул ривожланишини таъминлаш мақсадида табақалаштирилган ва индивидуал таълимни ташкил этиш;

шахсий, оилавий, ижтимоий ҳаётда ва меҳнат фаолиятида хулқатворнинг энг мақбул моделини шакллантириш орқали шахсни тарбиялаш;

ўқувчиларни умумий ўрта таълим ташкилотларида инклузив таълим шароитида ўқишига тайёрлаш;

ўқувчиларнинг ижтимоий-ҳиссий ривожланиши, ҳаётий қобилияtlарининг шаклланиши учун зарур корекцион (тузатувчи) – ривожлантирувчи таълим мұхитини яратиш;

ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнида уларнинг психик функциялари ва саломатлиги тизимли тарзда кузатилишини ташкил этиш.

3-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларини ташкил этиш тартиби

7. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ташкил этилади ва худудий тегишлилик бўйича Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинади.

8. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси вазирлик билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (кейинги ўринларда – худудий халқ таълими бошқармалари) ва соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан худуддаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган, маҳсус шароитларда таълим-тарбия олишга мухтоҷ болаларнинг мавжуд контингентини биргаликда ўрганиб чиқиши якунлари бўйича ташкил этилади.

9. Бундай болалар контингенти аниқланган тақдирда, вазирлик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига экологик қулай шароитлар мавжуд жойларда ихтисослаштирилган таълим муассасаларини ташкил этиш тўғрисида асосланган таклиф билан мурожаат қиласи.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлар ихтисослаштирилган таълим муассасаларини ташкил этиш режалаштирилаётган худудда охирги 5 йилда 3 ёшдан 16 ёшгacha болалар ўртасида тегишли касалликларнинг кўпайганлигини кўрсатадиган соғлиқни сақлаш органларининг расмий статистика маълумотлари билан асосланиши керак.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтисослаштирилган таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифни Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига, шунингдек, худудий халқ таълими бошқармаларига бир ой муддатда ўрганиш

ва экологик қулай миңтақадаги мавжуд объектлардан намунавий бинони ёхуд ихтисослаштирилған таълим муассасасини ташкил этишда қўйиладиган норматив талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилған маҳсус лойиҳа бўйича янги бино қуриш учун ер участкаси танлаш тўғрисида топшириқ беради.

11. Ихтисослаштирилған таълим муассасаси ташкил этиш тўғрисидаги қарор ҳудудий халқ таълими бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларининг ижобий хulosалари мавжуд бўлған тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бир ҳафта муддатда қабул қилинади.

12. Ихтисослаштирилған таълим муассасалари, уларнинг ихтисослашувига мувофиқ қуидаги (I – VIII) турларга бўлинади:

I – кар (эшитмайдиган) болалар учун мактаб-интернатлар;

II – заиф эшитадиган ва кейинчалик кар бўлған болалар учун мактаб-интернатлар (1, 2-бўлим);

III – кўзи ожиз (кўр) болалар учун мактаб-интернатлар;

IV – заиф кўрадиган ва кейинчалик кўр бўлған болалар учун мактаб-интернатлар;

V – нутқида оғир нуқсонлар бўлған болалар учун мактаб-интернатлар;

VI – таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлған болалар учун мактаб-интернатлар;

VII – психик ривожланиши суст бўлған болалар учун мактаб-интернатлар;

VIII – ақли заиф болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатлар.

13. Зарур ҳолларда I ва II турлар, шунингдек, III ва IV турлар аралаш ҳолдаги ихтисослаштирилған таълим муассасалари ташкил этилиши мумкин.

Аралаш турдаги ихтисослаштирилған таълим муассасаларини ташкил этишда кар ва заиф эшитувчи (кейинчалик кар бўлған) болалар, кўр ва заиф кўрувчи (кейинчалик кўр бўлған) болалар синфлари бўйича таълимни алоҳида олиб бориш мажбурий шарт ҳисобланади.

14. Ихтисослаштирилған таълим муассасалари (мактаб-интернатлар) хузурида болаларни мактабга тайёрлаш мақсадида бир йил муддатли тайёрлов гурухлари ташкил этилиши мумкин.

Тайёрлов гурухларида болаларни ўқитиши маҳсус ўқув дастурлари асосида олиб борилади.

15. Ихтисослаштирилған таълим муассасаларида ўқувчилар сони 250 нафардан ошмаслиги керак.

Ўқувчилар сони 250 нафардан ошишига санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ, ихтисослаштирилған таълим муассасасининг ўқувчилар билан тўлдирилиш сифимидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда вазирликнинг розилиги асосида йўл қўйилади.

3-боб. Ўқувчиларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби

16. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига болалар 7 ёшга тўладиган йилда, тайёрлов гуруҳларига 6 ёшдан қабул қилинади.

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олиш хуқуқини таъминлаш мақсадида умумтаълим мактаблари учун белгиланган ёш меъёридан икки йилга ошган болаларни қабул қилишга рухсат этилади.

17. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига юбориш худудий халқ таълими бошқармалари хузурида ташкил этилган психолого-тиббий-педагогик комиссия (кейинги ўринларда – психолого-тиббий-педагогик комиссия) холосасига кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар розилиги билан амалга оширилади.

Психолого-тиббий-педагогик комиссия йўлланмаси болалар ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қабул қилинишига асос ҳисобланади.

18. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига бошقا маъмурий-худудий бирликдан келиб ўқиш истагини билдирган болалар болани қабул қилаётган ихтисослаштирилган таълим муассасаси жойлашган худуднинг психолого-тиббий-педагогик комиссияси йўлланмасига асосан қабул қилинади.

19. Болаларни қабул қилиш ўқув йили давомида амалга оширилади ва ихтисослаштирилган таълим муассасаси директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

20. Ихтисослаштирилган таълим муассасасига йўлланган ҳар бир болага ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (чин етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун – васийлик ва ҳомийлик органлари) томонидан шахсий хужжатлар йифмажилди расмийлаштирилади ва тақдим этилади.

Боланинг шахсий хужжатлар йифмажилдида қуидаги хужжатлар бўлади:

ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг аризаси;

психолого-тиббий-педагогик комиссия холосаси;

таълим олганлиги тўғрисидаги хужжатлар (таълим муассасаларида ўқиётган болалар учун);

ўқиш жойидан таълимнинг муддати, ўқув фанларини ўзлаштириши ва хулқ-атвори, болага якка тартибда кўмак бериш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг батафсил таҳлили акс эттирилган маълумотнома ва тавсифнома (таълим муассасаларида ўқиётган болалар учун);

боланинг яшаш жойидаги шифохона бош врачи томонидан имзоланган, унинг ривожланиши тарихидан муфассал кўчирма:

педиатрнинг боланинг умумий ривожланиши ҳолати тўғрисидаги хulosаси;

психоневрологнинг тиббий ташхиси ва боланинг ақлий ривожланишига тавсифи;

оториноларингологнинг қулоқ, томоқ, бурун ва талафуз артикуляциясида иштирок этувчи органларнинг ҳолатига тавсифи (эшитишда нуқсони бўлган болалар учун – сўзлашув нутқи ва шивирлаб айтилган сўзларни идрок этиш ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, аудиограмма маълумотлари);

офтальмологнинг кўриш органига тавсифи (кўришда нуқсони бўлган болалар учун батафсил ташхиси);

ортопед врачнинг хulosаси (таянч-харакатланиш аппаратида нуқсони бўлган болалар учун).

21. Ихтисослаштирилган таълим муассасасига йўлланган чин етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун шахсий хужжатлар йиғмажилдида мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган хужжатлардан ташқари яна қуидаги хужжатлар ҳам бўлиши керак:

туман (шаҳар) ҳокимининг болага васий (ҳомий) тайинлаш ёки уни таълим муассасасига жойлаштириш ҳақидаги қарори нусхаси;

ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳақидаги маълумотлар (ота-оналарнинг паспортлари нусхалари ёки уларнинг вафоти ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, суднинг ҳукми ёки қарори, ота-онасининг сурункали касаллиги ёки қидирудва эканлиги ҳақидаги, ота-онасининг йўқлиги ёки уларнинг ўз фарзандларини тарбиялай олмаслиги ҳақидаги хужжатлар);

боланинг ота-онасидан қолган мулки (агар бўлса), унинг қаердалиги, уни сақлаш учун амалга оширилган чоралар ва бунга масъул шахслар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган мулк рўйхати;

болага тураг жой бириклирлганлиги тўғрисидаги хужжатлар (далолатнома, уй дафтари, тураг жой чизмаси нусхалари, тураг жойнинг эгаси ва хусусийлаштирилганлиги ҳолати тўғрисида туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан маълумтонома);

пенсия олувчи болаларнинг пенсия дафтарчаси, бола фойдасига алимент ундириш ҳақидаги суд қарори, омонат дафтарчаси.

22. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қуидаги тоифадаги болалар қабул қилинади:

эшитишда нуқсони бўлган болалар (карлар, заиф эшитувчилар, кейинчалик кар бўлган болалар);

кўришда нуқсони бўлган болалар (кўрлар, заиф кўрувчилар, кейинчалик кўр бўлган болалар);

нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар (алалия, дислалия, афазия, ринолалия, дизартрия, психик-нутқий ривожидаги сустлик, дудуқланиш);

таянч-харакат аппаратида нүқсони бўлган болалар (болалар церебрал фалажи, полиомиелит, миопатия, остеомиелит, ампутация, бўй ўсишининг этишмовчилиги – паканалик);

психик ривожланиши суст болалар;

ақли заиф болалар;

мураккаб нүқсонли болалар (ривожланишида 2 та ва ундан кўп этишмовчилик бўлган болалар).

23. Мураккаб нүқсонли болаларни (агар ҳамроҳ нүқсонлардан бири ақлий заифлик бўлган ҳолларда) қабул қилиш психология-тиббий-педагогик комиссиянинг хulosаси асосида, ота-оналари ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан, ўкув-тарбия жараёнида болалар билан бир йилдан кам бўлмаган муддат давомида унинг ўзлаштирмаслиги олигофрения даражасидаги ақли заифлик билан боғлиқлиги аниқланган ҳолда амалга оширилади.

24. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қўйидагилар қабул қилинмайди:

ақли ўта заиф болалар (имбицил, идиотия даражасидаги олигофрения);

хулқ-аворида оғир бузилишлар, ҳиссий-иродавий соҳасида (органик) нүқсонлари бўлган болалар;

таянч-харакат аппаратида нүқсони бўлган, мустақил равишда ҳаракатлана олмайдиган ва ўз-ўзига хизмат кўрсата олмайдиган болалар;

кўр-кар-соқов болалар;

тез-тез такрорланадиган эпилептик тутқаноқдан азият чекадиган (эпилептик деменция, кундузги ва тунги вақтларда тутқаноғи тез-тез такрорланадиган) болалар;

марказий асаб тизимида шикаст етганлиги туфайли сийдик ва нажасини ушлаб туролмайдиган болалар.

Ушбу тоифадаги болалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидағи тегишли муассасаларга йўлланади ёки уларга якка тартибда уйида ўқитиш ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаси директори ўқувчиларнинг қабул қилиниши учун белгиланган тартибда шахсан жавоб беради.

4-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш

25. Жисмоний ёки психик ривожланишида нүқсони бўлган болаларнинг таълим олиши қўйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

таълим-тарбиянинг нүқсонларни тузатиш (коррекция)га йўналтирилганлиги; таълим ва тарбия жараёнида ташхиснинг қўйилишига маҳсус ёндашув;

ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириш.

26. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқитиш ва тарбиялаш жараёни ўқувчиларнинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Ўқувчиларнинг билимлари улардаги нуқсонларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда белгиланган тартибда баҳоланади.

Таълим-тарбия жараёни давлат таълим стандартларига мувофиқ вазирлик томонидан белгиланган тартибда, ўқув режалари ва дастурлари асосида, маҳсус коррекцион тузатиш усулларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилади.

27. Ўқиши ҳамда ихтиёрий равишда ижтимоий фойдали меҳнат ва дам олиш кўзда тутиладиган кун тартиби болаларнинг ихтисослаштирилган таълим муассасасида яшашини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

28. Нуқсонларни тузатиш (коррекция) таълим жараёнидаги барча дарсларда, синфдан ташқари ва бошқа тадбирларда амалга оширилади.

29. Ўқув хоналари зарур маҳсус жиҳозлар билан таъминланади.

30. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида ривожланишдаги нуқсонларни бартараф этиш мақсадида бутун гурух билан ва якка тартибда машғулотлар олиб борилади.

31. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ривожланишида мураккаб нуқсонли (2 та ва ундан кўп нуқсони бор бўлган) болалар учун маҳсус тузатувчи (коррекцион) гуруҳлар (синфлар) очилиши мумкин.

Ушбу гуруҳларга таълим оловчилар психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосаси ва боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар розилиги билан жойлаштирилади.

32. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида синфларнинг сони, энг аввало, таълим жараёни учун санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда ихтисослаштирилган таълим муассасаси турига, ундаги ўқувчилар контингенти ва синфларнинг тўлдирилишига кўра белгиланади:

Таълим йўналиши турлари ва синфлардаги болалар тоифалари	Синфларнинг ўқувчилар билиш тўлдирилиши	
	Ўқувчилар- нинг минимал сони	Ўқувчилар- нинг максимал сони
1. I – II турлар:		
Кар (эшитмайдиган) болалар учун	8	10
Заиф эшитувчилар ва кейинчалик кар бўлган (1, 2-бўлимлар) болалар учун	10	12
2. III – IV турлар:		

Күр (күзи ожиз) болалар учун	8	10
Заиф күрувчилар ва кейинчалик күр бўлган болалар учун	10	12
3. V тур:		
Нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун	10	12
4. VI тур:		
Полиомиелит хасталиги оқибатлари бўлган болалар учун	10	12
Церебрал фалажи оқибатлари бўлган болалар учун	10	12
5. VII тур:		
Психик ривожланиши суст болалар учун	12	16
6. VIII тур:		
Енгил даражадаги ақли заиф болалар учун	12	14
Ўрта ва оғир даражадаги ақли заиф болалар учун	8	10
* Барча турдаги ихтисослаштирилган муассасаларда таълим олаётган мураккаб нуқсонли (ривожланишида 2 та ва ундан кўп нуқсон бўлган) болалар учун	6	8

33. Кўшимча синфларни очиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорларига мувофиқ, ҳудудий халқ таълими бошқармаларининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар молия бошқармалари ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармасининг тақдимотлари бўйича, белгиланган тартибда амалга оширилади.

34. Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардаги тарбия гурухларида ва ихтисослаштирилган мактаблардаги куни узайтирилган гурухларда болалар сони қуидагича белгиланади:

Таълим йўналишлари турлари ва болалар тоифалари	Тайёрлов синфларидаги болалар сони	Тарбия гурухлари ва куни узайтирилган гурухларнинг минимал тўлдирилиши	
		Бошланғич синфлардаги болалар сони	Юқори синфлардаги болалар сони
1. I-II тур:			

Кар (эшитмайдиган) болалар учун	8	8	12
Заиф эшитувчилар ва кейинчалик кар бўлган (1, 2-бўлимлар) болалар учун	8	8	12
2. III-IV тур:			
Кўр (кўзи ожиз) болалар учун	10	10	12
Заиф кўрувчилар ва кейинчалик кўр бўлган болалар учун	10	10	12
3. V тур:			
Нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун	10	10	14
4. VI тур:			
Полиомиелит хасталиги оқибатлари бўлган болалар учун	8	12	14
Церебрал фалажи оқибатлари бўлган болалар учун	8	8	10
5. VII тур:			
Психик ривожланиши суст болалар учун	8	12	16
6. VIII тур:			
Енгил даражадаги ақли заиф болалар учун	8	12	12
Ўрта ва оғир даражадаги ақли заиф болалар учун	8	10	10
*Барча турдаги ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқиётган мураккаб нуқсонли (ривожланишида 2 ва ундан кўп нуқсон бўлган) болалар учун	6	6	8

35. Ўқув йилининг бошланиши, ўқув машғулотлари ва таътилларнинг давомийлиги, шунингдек, якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг мажбурий умумий ўрта таълимнинг 11 йиллик дастурини тамомлаган битирувчиларга 9-синфда

шаҳодатнома ва 11-синфда аттестат, мажбурий умумий ўрта таълимнинг 9 йиллик (интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатлар) дастурини тамомлаган битирувчиларга гувоҳнома берилади.

36. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси ўқувчиларини бир синфдан иккинчи синфга ўтказиш педагогик кенгашнинг қарори асосида, ихтисослаштирилган таълим муассасасининг тиббиёт ходимлари ва педагог ходимлари хulosаси асосида амалга оширилади.

37. Ўқувчиларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклузив шароитда таълим олиши учун умумтаълим ташкилотига ўтказиш психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хulosасига кўра, боланинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Ўқувчиларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклузив шароитда таълим олиши учун умумтаълим ташкилотларига ўтказиш ушбу Низомга 1-илова билан тасдиқланган тартибга асосан амалга оширилади.

38. Ўқувчиларни ихтисослаштирилган таълим муассасасидан Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг тегишли муассасасига ўтказиш ушбу Низомга 2-илова билан тасдиқланган тартибга асосан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасасининг маъмурияти мазкур турдаги ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқишига лаёқати бўлмаган ўқувчиларни тегишли муассасаларга жойлаштиришга кўмаклашиши шарт.

39. Таълим-тарбия ишлари ўқувчиларнинг оддий ўзи хизмат кўрсатишдан тортиб ихтиёрий ижтимоий фойдали меҳнатнинг ҳар хил турларигача бўлган турли хил фаолиятлари асосида ташкил этилади.

40. Ўқувчиларнинг жисмоний тарбияси кун тартибини тўғри ташкил этиш, ўқув юклamasи меъёрига қатъий риоя қилиш, даволаш тадбирларини ўтказиш, ўқувчиларга гигиена кўникмаларини сингдириш, жисмоний тарбия дарслари ва спорт билан шуғулланиш, соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

41. Ўқувчиларнинг меҳнат таълими, касбга ўргатиш ва тарбияси тарбияланувчиларнинг психик ва жисмоний ривожланишининг ўзига хослиги, соғлиғи, имкониятлари ва қизиқишлиарини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

42. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ақлий, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун турли тўғараклар, клублар, студиялар, секциялар ташкил этилади.

43. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида мажбурий умумий ўрта таълим 11 йиллик (интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган

болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатларда 9 йиллик) муддатда амалга оширилади.

44. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқитувчи ва тарбиячи лавозимида коррекцион педагогика ва дефектология соҳаси бўйича олий маълумотли сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика ва логопедия мутахассислари, шунингдек, ихтисослаштирилган таълим муассасасининг фаолият тури (соҳаси) бўйича тегишли қайта тайёрлашдан ўтган мутахассис ходимлар фаолият юритади.

45. Таълим-тарбия жараёнини, унинг коррекцион йўналиши сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида кўришда нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тайёрлов ва бошланғич синфларда фақат кўриши соғлом ўқитувчи-тифлопедагоглар дарс беради.

46. Кўришда нуқсони бўлган ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида кўзи ожиз ўқитувчилар томонидан ўқувчиларга ўқув фанларидан (географиядан ташқари) дарс бериш уларнинг физиологик имкониятидан келиб чиқиб белиланади.

47. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида таълим жараёнини психологик жиҳатдан таъминлаш муассаса штатига киравчи психолог томонидан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқувчиларни психологик жиҳатдан кўллаб-куватлаш, уларнинг маҳсус касбий тайёргарлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш, шунингдек, уларга турли кўринишдаги психологик ёрдам бериш мақсадида профессионал психологик ёрдам кўрсатиш хоналари ташкил этилади.

5-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида даволаш-соғломлаштириш жараёнини ташкил этиш

48. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни соғломлаштиришга йўналтирилган даволаш-соғломлаштириш, реабилитация қилиш, санитария-гигиена ва профилактика тадбирлари ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

49. Ихтисослаштирилган таълим муассасасининг тиббиёт ходимлари болаларни даволаш-соғломлаштириш ва реабилитация қилиш, касаллик ва унга ҳамроҳ хасталиклар хуружининг олдини олишга ва саломатлигини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширадилар.

50. Тиббиёт ходимлари педагогларга ўқувчиларнинг соғлиги ва ривожланиш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларга индивидуал ва табақалаштирилган ёндашишга кўмаклашадилар, уларга ўқувчиларни тиббий-педагогик коррекциялаш, касбга йўналтириш, кейинчалик иш билан таъминланиши бўйича, шунингдек, ота-оналарга ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларга касалликларнинг олдини олиш мақсадида уй шароитида ҳимояловчи (маҳсус) тартибга амал қилиш бўйича тавсиялар берадилар.

51. Тиббий соғломлаштириш муолажалари, муайян даволаш курслари ҳар бир бола учун машғулотлар жадвали билан мувоғиқлаштирилган ҳолда индивидуал равишда тузилади.

52. Даволаш даврида болалар соғлиғини мухофаза қилиш мақсадида тиббиёт ходимлари ишга лаёқати паст болаларга ҳафта давомида қўшимча дам олиш кунлари бериш орқали эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш тартибига амал қилишни, шунингдек, ҳафтанинг бир кунини очик ҳавода, жисмоний машқлар, спорт тадбирлари билан шуғулланиш ҳамда сайр қилишни тавсия этиши мумкин.

53. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида ҳар бир болага тиббий карта юритилади, боланинг муассасада бўлиш муддати тугагач ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга ундан кўчирма берилади.

54. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида дори-дармон ва физиотерапия ёрдамида даволаш ҳамда психотерапия, массаж, жисмоний машқлар, чиниктириш ишлари олиб борилади.

55. Даволаш жисмоний тарбия машқлари даволаш жисмоний тарбия инструктори ёки маҳсус тайёргарликка эга бўлган ўқитувчи томонидан ўтказилади.

56. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида олиб борилаётган барча тиббий соғломлаштириш ва реабилитация тадбирларини ташкил қилиш ва олиб боришнинг тўғрилиги устидан назорат муассаса жойлашган ҳудуддаги соғлиқни сақлаш органларига юкландади.

57. Соғлиқни сақлаш органлари ихтисослаштирилган таълим муассасасини тиббиёт ходимлари штатлари билан тўлдиришда, ушбу ходимларнинг малакасини оширишда ҳамда даволаш-соғломлаштириш ишларининг замонавий усулларини мазкур муассасада кенг жорий қилишда, уларга малакали мутахассисларни маслаҳат ёрдами бериш учун жалб этишда кўмаклашади.

6-боб. Таълим жараёнининг иштирокчилари

58. Ўқувчилар, ота-оналар ёки ота-оналар ўрнини босувчи шахслар, педагогик, тиббий ва бошқа ходимлар ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг таълим жараёни иштирокчилари ҳисобланади.

59. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчилари бепул умумий ўрта таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳамда ихтисослаштирилган таълим муассасалари учун белгиланган норма ва қоидалар асосида бепул озиқ-овқат билан таъминланиш, турли тадбирларда (конференциялар, олимпиадалар, қўргазмалар ва танловларда) қатнашиш хуқуқига эга.

60. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига йўлланган чин етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар мақоми бўйича “Мехрибонлик” уйлари тарбияланувчиларига tengлаштирилади.

61. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида чин етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, турли сабабларга кўра якшанба, байрам ва таътил кунлари уйларига кета олмайдиган ўқувчилар учун сутка давомида ишлайдиган гурухлар ташкил этилади.

62. Ихтисослаштирилган таълим муассасасининг ўқувчилари муассасасининг устави ва ички тартибига, шунингдек, санитария нормалари ва қоидаларига амал қилишлари шарт.

63. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқувчиларнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик хужжатларига ва ихтисослаштирилган таълим муассасасининг уставига мувофиқ белгиланади.

64. Тегишли соҳа бўйича олий маълумотли, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий сифатларга эга шахслар ихтисослаштирилган таълим муассасаларида педагогик ва тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳукуқига эгадир.

65. Ихтисослаштирилган таълим муассасасининг педагог-ўқитувчилари ўзларига юкланган мажбуриятлардан ташқари шахсни шакллантириш ва нуқсонларини коррекциялаш, жисмоний ва психик нуқсонларини бартараф этиш, нуқсонлар билан боғлиқ бўлган билиш фаолиятидаги ўзига хосликларни меъёрга келтириш, билимга оид қизиқишлари ва қобилияtlарини ривожлантариш соҳасида иш олиб борадилар.

66. Ихтисослаштирилган таълим муассасасининг тарбиячиси ривожланишдаги нуқсонларни коррекциялаш ишларида ўқитувчи ишларини давом эттиради, жисмоний ёки психик нуқсонлар сабабли юзага келадиган психик ёки жисмоний ривожланиш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўқувчиларга индивидуал ёндашувни амалга оширади, ўз гуруҳидаги ўқувчиларнинг ҳаёти ва саломатлиги сақланиши учун жавоб беради.

67. Ихтисослаштирилган таълим муассасасининг тиббиёт ходимлари муассаса маъмурияти билан биргаликда болалар саломатлигини ҳимоя қилиш ва ўқувчиларнинг психофизик ҳолатини мустаҳкамлаш, диспансеризация, профилактика чора-тадбирларини ва эпидемияларга қарши санитария-гигиена тартибини, болаларни чиниқтириш, овқатланиши, шу жумладан, парҳез таомлар билан овқатланишини назорат қилиш учун жавоб берадилар.

68. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ихтисослаштирилган таълим муассасасининг таълим-тарбия фаолияти ва бу ерда фарзандига кўрсатилаётган тиббий ва ижтимоий ёрдам билан танишиш ҳукуқига эга.

7-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасасини бошқариш

69. Ихтисослаштирилган таълим муассасасига бевосита раҳбарлик қилиш вазирлик билан келишган ҳолда худудий халқ таълими бошқармалари томонидан тайинланадиган директор томонидан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаси директори билан бир йил муддатга меҳнат шартномаси тузилади. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси директори билан меҳнат шартномаси ҳар йили янгидан тузилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаси директори лавозимига вазирлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланган малакавий талаблар қўйилади.

70. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида педагогик, методик ҳамда кузатув кенгашлари ташкил этилади ва фаолият юритади. Уларнинг фаолияти тартиби вазирлик томонидан белгиланади.

8-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг мол-мулки ва молиявий-хўжалик фаолияти

71. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг хайр-эҳсонлари ва мақсадли бадаллари;

қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

72. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилган ва қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметалари асосида молиялаштирилади.

73. Штатлар жадвали қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда намунавий штатларга мувофиқ тасдиқланади.

74. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси ишчи-ходимларининг иш хақи қонунчилик хужжатларига мувофиқ белгиланади.

75. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчилари ихтисослаштирилган таълим муассасалари учун озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишнинг ўртacha суткалик нормалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига озиқ-овқат билан таъминланади.

76. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларни таъминлаш ва ўқитиш қонунчилик хужжатларига мувофиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун ота-оналардан ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан тўлов ундирилмайди.

77. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган молия ва статистика ҳисоботларини юритади.

78. Молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш молия органлари томонидан амалга оширилади.

9-боб. Якунловчи қоидалар

79. Ихтисослаштирилган таълим муассасасини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

80. Ихтисослаштирилган таълим муассасасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, қоидага кўра, ўкув йили тугагач амалга оширилади, бунда, худудий халқ таълими бошқармалари ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан келишган ҳолда ўкувчиларни бошқа таълим муассасаларига кўчириш масъулиятини ўз зиммасига олади.

Жисмоний, ақлий, сенсор ёки рухий нүкssonлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомга
1-илова

**Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни бир
ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа
ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклузив
шароитда таълим олиши учун умумтаълим
ташкилотларига ўтказиш
ТАРТИБИ**

Мазкур Тартиб алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчиларни (кейинги ўринларда – ўқувчилар) синфдан синфга, бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига (кейинги ўринларда – мактаб-интернат) ёки инклузив шароитда таълим олиши учун умумтаълим ташкилотига (кейинги ўринларда – мактаб) ўтказишни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур тартибда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
синфдан синфга ўтказиш – ўқувчини мактаб-интернатнинг бир синфидан бошқа параллел синфига ўтказиш;
бир хил турдаги мактаб-интернат – ўқувчиларнинг жисмоний ёки психик ривожланишидаги ташхис натижалари бўйича ихтисослашувига кўра бир турга мансуб мактаб-интернат;
бошқа турдаги мактаб-интернат – ўқувчиларнинг жисмоний ёки психик ривожланишидаги ташхис натижалари бўйича ихтисослашувига кўра бир турга мансуб бўлмаган мактаб-интернат.
2. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларни синфдан синфга, бир мактаб-интернатдан бошқа мактаб-интернатга ва мактаб-интернатдан мактабга ўтказишга нисбатан ҳам татбиқ этилади.
3. Ўқувчиларни синфдан синфга, бир мактаб-интернатдан бошқа мактаб-интернатга ва мактаб-интернатдан мактабга ўтказиш масалалари умумий ўрта таълимнинг мажбурийлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи шахсларнинг таълим олиши тилини эркин танлаш ҳуқуқини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.
4. Ўқувчиларни синфдан синфга, бир мактаб-интернатдан бошқа мактаб-интернатга ва мактаб-интернатдан мактабга ўтказиш бепул амалга оширилади.

2-боб. Ўқувчини синфдан синфга ўтказиш

5. Ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (кейинги ўринларда – ота-оналар) ўз хоҳишига кўра ўқув йили давомида ёки у тугаганидан сўнг фарзандини синфдан синфга ўтказиш хуқуқига эга.

6. Ота-оналар фарзандини синфдан синфга ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда мактаб-интернат директори номига ариза билан мурожаат қилади.

7. Мактаб-интернат директори аризани қабул қилиб олган кундан бошлаб бир иш куни ичидаги кўриб чиқади ва ўқувчини синфдан синфга ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

8. Синфдаги ўқувчилар сони белгиланган меъёрдан ортиқ бўлган тақдирда, мактаб-интернат директори ўқувчини синфдан синфга ўтказишни рад қилиши мумкин.

9. Синфдан синфга ўтказиш рад этилганлиги ҳақида мактаб-интернат директори томонидан уч кун ичидаги ота-оналарга ёзма равишда маълум қилинади.

10. Мактаб-интернат директорининг ўқувчини синфдан синфга ўтказиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилингач, уч кун ичидаги синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

11. Ўз синфдошларига нисбатан уч ва ундан ортиқ катта ёш фарқи бўлган психик ривожланиши суст ёки ақли заиф болалар бир синфда камида икки чорак таълим олгач, уларнинг билим, кўнинка ва малака даражасини инобатга олган ҳолда мактаб-интернатнинг тиббиёт ва педагог ходимлари хулосаси асосида педагогик кенгаш қарори билан фақат бир синф юқорига кўчирилиши мумкин.

3-боб. Ўқувчини бир хил турдаги бошқа мактаб-интернатга ўтказиш

12. Ота-оналар ўз хоҳишига кўра ўқув йили давомида ёки у тугаганидан сўнг фарзандини бир мактаб-интернатдан бир хил турдаги бошқа мактаб-интернатга ўтказиш хуқуқига эга.

13. Ота-оналар фарзандини бир мактаб-интернатдан бир хил турдаги бошқа мактаб-интернатга ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернат директори номига ариза билан мурожаат қилади.

14. Ариза мактаб-интернат директори томонидан бир иш куни ичидаги кўриб чиқилади ва ўқишини давом этириш учун танланган мактаб-интернатга тақдим этиш учун мактаб-интернатдан белгиланган шаклдаги кетиш талони берилади.

15. Ота-оналар фарзанди ўқиши давом эттириши учун танланган мактаб-интернат директорига ўқишига қабул қилиш тұғрисида ариза билан мурожаат қиласы. Аризага мактаб-интернатдан кетиш талони илова қилинади.

16. Ўқиши давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директори ариза ва мактаб-интернатдан кетиш талонини қабул қилиб олгач, шу куннинг ўзида ота-оналарга ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернатта тақдим этиш учун мактаб-интернатта белгиланган шаклдаги келиш талонини беради.

17. Ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернат директори мактаб-интернатта келиш талонини қабул қилиб олгач, шу куннинг ўзида ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тұғрисида буйруқ қабул қиласы.

18. Мактаб-интернат директори ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тұғрисидаги буйруқ билан ота-оналарни таништирганлиги тұғрисида имзо қўйдириб, уларга қўйидаги хужжатларни тақдим этади ва хужжатлар берилганлиги тұғрисида тилхат олади:

ўқувчининг мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқарилганлиги тұғрисидаги буйруқдан кўчирма;

ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели;

ўқувчининг тиббий картаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (кейинги ўринларда –халқ таълими бошқармалари) хузурида ташкил этилган психологияк-тиббий-педагогик комиссиянинг (кейинги ўринларда – психологияк-тиббий-педагогик комиссия) ўқувчини мактаб-интернатта юбориш учун асос бўлган хулосаси;

халқ таълими бошқармасининг ўқувчини мактаб-интернатта юбориш тұғрисидаги йўлланмаси.

19. Ота-оналарнинг хужжатларни олганлиги ҳақидаги тилхати, мактаб-интернатта келиш талони ва ўқиши давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директорининг ўқувчининг ўқишига қабул қилинганлиги тұғрисидаги буйруғидан кўчирма ўқувчининг мактаб-интернатда сақланадиган шахсий хужжатлар йифмажилдига тикиб қўйилади.

20. Ўқиши давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директори бошқа мактаб-интернатдан ўтказилаётган ўқувчининг ўқув жараёнларидан четда қолиб кетмаслигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриши шарт.

21. Ўқиши давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директори мазкур Тартибининг 18-бандида белгиланган хужжатларни қабул қилиб олгач, шу куннинг ўзида ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш тұғрисида буйруқ чиқаради.

22. Мактаб-интернат директори ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисидаги буйруқдан кўчирмани бир иш куни ичида ўқувчи илгари таълим олган мактаб-интернатга маълумот учун юборади.

23. Ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида ёки мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилгач, уч кун ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

4-боб. Ўқувчини бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиши

24. Ўқувчи психолого-тиббий-педагогик комиссиянинг хulosасига ва ақлий лаёқатига кўра бир мактаб-интернатдан бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказилиши мумкин.

25. Ота-оналар ўз хоҳишига кўра ўқув йили давомида ёки у тугаганидан сўнг фарзандини бир мактаб-интернатдан бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиш хукуқига эга.

26. Ота-оналар фарзандини бир мактаб-интернатдан бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда халқ таълими бошқармасига ариза билан мурожаат қиласди.

27. Ариза психолого-тиббий-педагогик комиссия томонидан кўриб чиқилади.

28. Психолого-тиббий-педагогик комиссиянинг ижобий хulosаси олингач, халқ таълими бошқармаси томонидан шу куннинг ўзида ота-оналарга ўқишини давом эттириш учун танланган мактаб-интернатга тақдим этиш учун ўқувчини бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиш тўғрисида йўлланма берилади. Йўлланма берилганлиги ҳақида ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернатга хат орқали маълум қилинади.

29. Ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернат директори халқ таълими бошқармаси томонидан юборилган хатни олгач, шу куннинг ўзида ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қиласди.

Мактаб-интернат директори мазкур буйруқ билан ота-оналарни таништирганлиги тўғрисида имзо қўйдирив, уларга мазкур Тартибнинг 18-бандида белгиланган хужжатларни тақдим этади ва хужжатлар берилганлиги тўғрисида тилхат олади.

30. Ота-оналар халқ таълими бошқармаси томонидан берилган ўқувчини бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиш тўғрисидаги йўлланмани психолого-тиббий-педагогик комиссиянинг хulosаси ҳамда мазкур Тартибнинг 18-бандида белгиланган хужжатларни илова қилган ҳолда ўқишини давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директорига тақдим этади. Мактаб-интернат директори шу куннинг ўзида ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

31. Мактаб-интернат директори ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш түғрисидаги буйруқдан кўчирмани бир иш куни ичида ўқувчи илгари таълим олган мактаб-интернатга маълумот учун юборади.

32. Ота-оналарнинг ҳужжатларни олганлиги ҳақидаги тилхати, халқ таълими бошқармасининг ўқувчини бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиш түғрисида йўлланма берилганлиги ҳақидаги хати ва ўқиши давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директорининг ўқувчининг ўқишига қабул қилинганлиги түғрисидаги буйруғидан кўчирма ўқувчининг мактаб-интернатда сақланадиган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

33. Ўқиши давом эттириш учун танланган мактаб-интернат директори бошқа мактаб-интернатдан ўтказилаётган ўқувчининг ўқув жараёнларидан четда қолиб кетмаслигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриши шарт.

34. Ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш түғрисида ёки мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш түғрисида буйруқ чиқарилгач, уч кун ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

5-боб. Ўқувчини мактаб-интернатдан инклюзив шароитда таълим олиши учун мактабга ўтказиш

35. Ўқувчининг жисмоний ёки психик ривожланишидаги нуқсони енгил даражада бўлиб (психик ривожланишнинг орқада қолиши, енгил даражадаги ақли заифлик, заиф эшитувчи, заиф кўрувчи, болалар церебрал фалажи ва бошқалар), унинг таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган тақдирда, мактаб-интернатдан инклюзив шароитда таълим олиши учун мактабга ўтказилиши мумкин.

36. Ота-оналар ўз хоҳишига кўра ўқув йили давомида ёки у тугаганидан сўнг фарзандини мактаб-интернатдан инклюзив шароитда таълим олиши учун мактабга ўтказиш хуқуқига эга.

37. Ота-оналар фарзандини мактаб-интернатдан мактабга ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда халқ таълими бошқармасига ариза билан мурожаат қиласди.

38. Ариза психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан кўриб чиқилади.

39. Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг ижобий хулосаси олингач, халқ таълими бошқармаси томонидан шу куннинг ўзида ўқиши давом эттириш учун танланган мактабга тақдим этиш учун ўқувчини мактабга ўтказиш түғрисида йўлланма берилади. Йўлланма берилганлиги ҳақида ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернатга хат орқали маълум қилинади.

40. Ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернат директори халқ таълими бошқармаси томонидан юборилган хатни олгач, шу куннинг ўзида ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш түғрисида буйруқ қиласди.

Мактаб-интернат директори мазкур буйруқ билан ота-оналарни таништирганлиги түғрисида имзо қўйдириб, уларга мазкур Тартибнинг 18-бандида белгиланган хужжатларни тақдим этади ва хужжатлар берилганлиги түғрисида тилхат олади.

41. Ота-оналар халқ таълими бошқармаси томонидан берилган ўқувчини бошқа турдаги мактаб-интернатга ўтказиш түғрисидаги йўлланмани психологияк-тиббий-педагогик комиссиянинг хulosаси ҳамда мазкур Тартибнинг 18-бандида белгиланган хужжатларни илова қилган ҳолда ўқиши давом эттириш учун танланган мактаб директорига тақдим қиласди. Мактаб директори шу куннинг ўзида ўқувчини мактаб ўқувчилари сафига қабул қилиш түғрисида буйруқ чиқаради.

42. Мактаб директори ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш түғрисидаги буйруқдан кўчирмани бир иш куни ичида ўқувчи илгари таълим олган мактаб-интернатга маълумот учун юборади.

43. Ота-оналарнинг хужжатларни олганлиги ҳақидаги тилхати, халқ таълими бошқармасининг ўқувчини мактабга ўтказиш түғрисида йўлланма берилганлиги ҳақидаги хати ва ўқиши давом эттириш учун танланган мактаб директорининг ўқувчининг ўқишига қабул қилинганлиги түғрисидаги буйруғидан кўчирма ўқувчининг мактаб-интернатда сақланадиган шахсий хужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

44. Ўқиши давом эттириш учун танланган мактаб директори мактаб-интернатдан ўтказилаётган ўқувчининг ўкув жараёнларидан четда қолиб кетмаслигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриши шарт.

45. Мактаб-интернат директорининг ўқувчилар сафидан чиқариш түғрисидаги буйруғи ҳамда мактаб директорининг ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафига қабул қилиш түғрисидаги буйруғи чиқарилгач, уч кун ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

6-боб. Ўқувчини хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш

46. Ота-оналар ўқиш, ишлаш, узок муддатли даволаниш ёки бошқа мақсадларда доимий ёки вақтинча яшаш учун хорижий давлатга кетаётган бўлса, фарзандини доимий ёки вақтинча яшаш учун кетаётган давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш ҳуқуқига эга.

47. Ота-оналар фарзандини хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда мактаб-интернат директори номига ариза билан мурожаат этади. Аризага вояга етмаганлар ишлари бўйича худудий идоралараро комиссиянинг вояга етмаганни мактаб ўқувчилари сафидан чиқариш учун розилиги акс этган қароридан кўчирма илова қилинади.

48. Ариза мактаб-интернат директори томонидан бир иш куни ичида кўриб чиқилиб, ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қилинади. Мактаб-интернат директори мазкур буйруқ билан ота-оналарни таништирганлиги тўғрисида имзо қўйдириб, уларга мазкур Тартибнинг 18-бандида белгиланган ҳужжатларни тақдим этади ва ҳужжатларни олганлиги тўғрисида тилхат олади.

49. Ота-оналарнинг ҳужжатларни олганлиги ҳақидаги тилхати ўқувчининг мактаб-интернатда сақланадиган шахсий ҳужжатлар йифмажилдига тикиб қўйилади.

50. Ўқувчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги буйруқ қабул қилингач, уч кун ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

51. Мактаб-интернат директори томонидан хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказилаётганлиги сабабли ўқувчилар сафидан чиқарилган вояга етмаганлар тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилади ҳамда ҳар ўқув йили чораклари охирида тегишли туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига, туман (шаҳар) ички ишлар бўлимига (бошқармасига) ва вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияга тақдим этилади.

7-боб. Хорижий давлатда таълим олган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини Ўзбекистон Республикасидаги мактаб-интернатга ўтказиш

52. Ота-оналар хорижий давлатда таълим олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган фарзандини Ўзбекистон Республикасидаги мактаб-интернатга ўтказиш ҳуқуқига эга.

53. Хорижий давлатда таълим олган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини Ўзбекистон Республикасидаги мактаб-интернатга ўтказиш амалдаги қонунчилик ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

54. Ўқиши давом эттириш учун танланган мактаб-интернатга (мактабга) ўтказилган ўқувчи ўн кун ичида сабабсиз ёки мактаб-интернат (мактаб) раҳбарияти ва синф раҳбарини хабардор қиласдан дарс машғулотларига келмаса, мактаб-интернат (мактаб) директори бу ҳақида ота-оналарни, ўқувчининг яшаш жойидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияни ҳамда ўқувчи илгари таълим олган мактаб директорини ёзма равишда огоҳлантиради ва бир вақтнинг ўзида ўқувчининг дарсларга келмаганлиги сабабларини аниқлаш ва уни дарс машғулотларига жалб этиш чораларини кўради.

55. Жиноят содир этган вояга етмаганларни мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиянинг розилиги билан амалга оширилади.

56. Мазкур Тартиб талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нұқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомга 2-илова

**Алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган ўқувчиларни
ихтисослаштирилган таълим муассасасидан Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тиббий-
ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги
муассасасига ўтказиш
ТАРТИБИ**

Мазкур Тартиб алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган ўқувчиларни (кейинги ўринларда – ўқувчилар) жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нұқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) (кейинги ўринларда – мактаб-интернат)дан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги муассасасига ўтказишни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур тартибда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасаси (кейинги ўринларда – даволаш-профилактика муассасаси) – руҳий ва асад тизими касалликлари ва уларнинг асоратлари, сил касаллигининг барча турлари ва даврларида даволаниш учун мўлжалланган шифохоналар ҳамда барча турдаги болалар санаторийлари;

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги муассасаси (кейинги ўринларда – “Муруват” интернат уйи) – Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, руҳиятида сезиларли ёки анча сезиларли нұқсонлар бор бўлган, 4 ёшдан 18 ёшгача ногирон болалар учун давлат тиббий-ижтимоий муассасаси.

2. Ўқувчиларни мактаб-интернатдан даволаш-профилактика муассасаси ёки “Муруват” интернат уйига ўтказиш мактаб-интернат педагогик кенгашининг қарорига асосан, худудий халқ таълими бошқармалари хузуридаги болаларни ихтисослаштирилган муассасаларга (мактаб, мактаб-интернатларга) юбориш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг (кейинги ўринларда – психологик-тиббий-педагогик комиссия) хулосасига кўра, ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг (кейинги ўринларда – ота-оналар) розилиги билан амалга оширилади.

3. Мактаб-интернат раҳбарияти мазкур турдаги ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқишга лаёқати бўлмаган ўқувчиларни даволаш-профилактика муассасаси ёки “Муруват” интернат уйига жойлаштиришга кўмаклашиши шарт.

4. Ўқувчиларни мактаб-интернатдан даволаш-профилактика муассасасига ҳамда “Муруват” интернат уйига ўтказиш бепул амалга оширилади.

2-боб. Ўқувчини мактаб-интернатдан даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш

5. Ўқувчининг ота-онаси ва мактаб-интернат раҳбарияти тиббий-ижтимоий реабилитацияга муҳтоҷ ўқувчини ўқув йили давомида ёки у тугаганидан сўнг даволаш-профилактика муассасасига вақтинчалик ўтказиш ташаббуси билан чиқиш хуқуқига эга.

6. Ўқувчини мактаб-интернатдан даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш учун унинг ота-онаси ўтказиш сабабларини, даволаш-профилактика муассасаси номини кўрсатган ҳолда мактаб-интернат директорига ариза билан мурожаат қиласди.

Аризага боланинг ривожланиш тарихидан муфассал кўчирма ҳамда тиббиёт муассасаси даволовчи врачининг ўқувчини даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги холосаси илова қилинади.

7. Куйидаги ҳолларда мактаб-интернат раҳбарияти ота-оналарнинг ёзма розилигини олган ҳолда ўқувчини даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш чораларини кўриши лозим:

мактаб-интернат тиббиёт ходими томонидан ўқувчини даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш тўғрисида тавсия берилганда;

тиббий кўрик пайтида ўқувчининг физиологик ва жисмоний ҳолатида салбий ўзгаришлар аниқланиб, уни стационар шароитда даволаш лозим деб топилганда.

8. Ота-оналарнинг аризаси ёки ёзма розилигига асосан ушбу масала мактаб-интернатнинг педагогик кенгаши томонидан кўриб чиқилади. Педагогик кенгаш қарорига асосан мактаб-интернат директори психолог-тиббий-педагогик комиссияга тегишлилигига кўра куйидаги хужжатларни тақдим этади:

боланинг ривожланиш тарихидан муфассал кўчирма ҳамда тиббиёт муассасаси даволовчи врачининг ўқувчини даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги холосаси;

мактаб-интернат тиббиёт ходимининг ўқувчини даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш тўғрисидаги тавсияномаси;

ўқувчининг физиологик ва жисмоний ҳолатида салбий ўзгаришлар аниқланганлиги ҳақида тиббий кўрикдан ўтказган врачнинг холосаси.

9. Тақдим этилган хужжатлар психолог-тиббий-педагогик комиссия томонидан кўриб чиқилади.

10. Ўқувчини даволаш-профилактика муассасасига қабул қилиш учун ота-оналар ёки мактаб-интернат раҳбарияти томонидан куйидаги хужжатлар тақдим этилади:

психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хulosаси;

мактаб-интернат томонидан берилган ўқувчи таълим олаётган синф кўрсатилган маълумотнома;

мактаб-интернат томонидан берилган психологик-педагогик тавсифнома.

11. Ўқувчи даволаш-профилактика муассасасига қабул қилингач, унга касаллик тарихи очилади ҳамда шу кун ўқувчи даволаш-профилактика муассасасига ўтказилган кун ҳисобланади.

Даволаш-профилактика муассасаси шу куннинг ўзида ўқувчининг ота-онасига ва мактаб-интернатга ўқувчининг даволаш-профилактика муассасасига қабул қилинганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этади.

12. Ўқувчининг даволаш-профилактика муассасасидаги даволаниш муддати тугаганидан сўнг унинг ота-онасига ёки мактаб-интернатга даволаш-профилактика муассасаси раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган синф журналидан кўчирилган баҳолаш қайдномаси ҳамда ўқувчининг даволаш-профилактика муассасасида даволангандиги тўғрисида маълумотнома берилади.

3-боб. Ўқувчини мактаб-интернатдан “Мурувват” интернат уйига ўтказиш

13. Ўқувчининг ота-онаси ва мактаб-интернат раҳбарияти мактаб-интернатда таълим олишга лаёқатсиз, руҳиятида сезиларли нуксонлар мавжуд бўлган, доимий тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ (этиологияси ҳар хил бўлган ўртача даражадаги ақлий заифлик (оғирлашган шакли), оғир ва чуқур даражадаги ақлий заифлик ва ҳоказо) ногирон ўқувчиларни мактаб-интернатдан “Мурувват” интернат уйига ўтказиш ташаббуси билан чиқиши хуқуқига эга.

14. Ўқувчини мактаб-интернатдан “Мурувват” интернат уйига ўтказиш учун унинг ота-онаси ўтказиш сабабларини, “Мурувват” интернат уйи номини кўрсатган ҳолда мактаб-интернат директорига ариза билан мурожаат қиласи.

Аризага боланинг ривожланиш тарихидан муфассал кўчирма ҳамда тиббиёт муассасаси даволовчи врачанинг ўқувчини “Мурувват” интернат уйига ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги хulosаси илова қилинади.

15. Куйидаги ҳолларда мактаб-интернат раҳбарияти ота-оналарнинг ёзма розилигини олган ҳолда ўқувчини “Мурувват” интернат уйига ўтказиш чораларини кўриши лозим:

мактаб-интернат тиббиёт ҳамда педагог ходимлари томонидан муассаса раҳбариятига ўқувчини “Мурувват” интернат уйига ўтказиш тўғрисида тавсия берилганда;

тиббий қўрик пайтида ўқувчининг физиологик ва жисмоний ҳолатида салбий ўзгаришлар аниқланиб, уни “Мурувват” интернат уйига ўтказиш лозим деб топилганда.

16. Ота-оналарнинг аризаси ёки ёзма розилигига асосан ушбу масала мактаб-интернатнинг педагогик кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Педагогик кенгаши қарорига асосан мактаб-интернат директори психологик-тиббий-педагогик комиссияга тегишлилигига кўра қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

боланинг ривожланиш тарихидан муфассал кўчирма ҳамда тиббиёт муассасаси даволовчи шифокорининг ўқувчини “Мурувват” интернат уйига ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги хulosаси;

мактаб-интернат тиббиёт ҳамда педагог ходимларининг ўқувчини “Мурувват” интернат уйига ўтказиш тўғрисидаги тавсияномаси;

ўқувчининг физиологик ва жисмоний ҳолатида салбий ўзгаришлар аниқланганлиги ҳақида тиббий кўрикдан ўтказган врачнинг хulosаси.

17. Тақдим этилган хужжатлар психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан кўриб чиқилади.

18. Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг ўқувчини “Мурувват” интернат уйига ўтказиш тўғрисидаги хulosасига мувофиқ ўқувчи таълим олаётган мактаб-интернат директори ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қиласди.

19. Ўқувчини мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ чиқарилгач, уч кун ичida синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

20. “Мурувват” интернат уйига ўтказиш учун мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқарилган ўқувчининг ота-онасига мактаб-интернат раҳбарияти томонидан қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

ўқувчининг мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқарилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;

ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели;

ўқувчининг тиббий картаси;

мактаб-интернат томонидан берилган психолого-педагогик тавсифнома.

4-боб. Якунловчи қоида

21. Мазкур Тартиб талабларининг бузилишида айбор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 12 октябрдаги 638сон қарорига
3-илова

**Санаторий туридаги ихтисослаштирилган
давлат таълим муассасалари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом алоҳида шароитларда даволаниш ва соғломлаштиришга, таълим ва тарбия олишга муҳтоҷ болалар ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган ҳамда санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган таълим муассасалари) фаолиятини тартибга солади.

2. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа қонунчилик хужжатларига, шунингдек, ўз уставига амал қиласди.

3. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўкув-тарбия, даволаш-соғломлаштириш муассасалари ҳисобланади ва даволаниш, соғломлаштиришга муҳтоҷ болаларга уларнинг билим олиш имкониятларига мувофиқ равишда умумий ўрта маълумотга эга бўлиш ва тарбия олишида ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилади.

4. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз уставига, ғазначилик бўлимларида шахсий ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штампларга, бланкаларга эга бўлади.

5. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари аккредитацияси аттестация асосида, ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

2-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг вазифалари

6. Қуйидагилар ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

шахснинг ақлий, ҳиссий ва жисмоний ривожланишига ёрдам берадиган шарт-шароитлар яратиш;

баркамол, жисмонан ва маънавий соғлом шахсни вояга етказиш, ўкувчиларда маданий-эстетик қадриятларни, фуқаролик ва ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш;

давлат таълим стандартлари асосида сифатли таълим олиш, шу жумладан, касбга йўналтириш, болаларнинг индивидуал қобилиятларини ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли болаларни тақдирлаш ва қўллаб-кувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

болаларнинг психофизиологик ёш хусусияти, мойиллиги, қобилияти, қизиқиши, ҳаёти ва соғлиғи муҳофазаси талабларига мувофиқ равишда реабилитация ҳамда даволаш-соғломлаштириш тадбирларини ўтказишини таъминлаш.

3-боб. Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларини ташкил этиш тартиби

7. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ташкил этилади ва ҳудудий тегишлилик бўйича Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинади.

8. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳудудий халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан ҳудуддаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган, маҳсус шароитларда таълим-тарбия олишга муҳтоҷ болаларнинг мавжуд контингентини биргалиқда ўрганиб чиқиши якунлари бўйича ташкил этилади.

Бундай болалар контингенти аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргалиқда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига экологик қулай шароитлар мавжуд жойларда ихтисослаштирилган таълим муассасаларини ташкил этиш тўғрисида асосланган таклиф билан мурожаат қиласида.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этиш тўғрисидаги таклифлар ихтисослаштирилган таълим муассасаларини ташкил этиш режалаштирилаётган ҳудудда охирги 5 йилда 3 ёшдан 16 ёшгacha болалар ўртасида тегишли касалликларнинг кўпайганлигини кўрсатадиган соғлиқни сақлаш органларининг расмий статистика маълумотлари билан асосланиши керак.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтисослаштирилган таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифни Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, вилоятлар халқ таълими бошқармаларига, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига бир ой муддатда ўрганиш ва экологик қулай минтақадаги мавжуд объектлардан намунавий бинони ажратиш ёхуд ихтисослаштирилган таълим муассасасини ташкил этишда қўйиладиган норматив талабларни

хисобга олган ҳолда ишлаб чиқилған махсус лойиха бўйича янги бино қуриш учун ер участкаси танлаш тўғрисида топшириқ беради.

10. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси ташкил этиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларининг ижобий хulosалари мавжуд бўлган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бир ҳафта муддатда қабул қилинади.

11. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари, уларнинг ихтисослашувига мувофиқ қўйидаги турларга бўлинади:

сколиоз билан касалланган болалар учун санаторий туридаги мактаб-интернатлар;

сил ва нафас олиш органларининг сурункали касалликлари хавфи бўлган гурух болалари учун санаторий туридаги мактаб-интернатлар.

12. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларнинг энг кўп сони 250 нафардан ошмаслиги керак.

4-боб. Ўқувчиларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби

13. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига уларнинг турига мувофиқ ҳолда:

I–IV даражада сколиоз билан касалланган;

сил ва нафас олиш органларининг сурункали касалликлари чалинган, алоҳида шарт-шароитларда даволаш ва соғломлаштиришга муҳтоҷ бўлган мактаб ёшидаги болалар қабул қилинади.

14. Болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига юбориш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси хузурида ташкил этилган психологияк-тиббий-педагогик комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) хulosасига кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар розилиги билан амалга оширилади.

Комиссия йўлланмаси болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қабул қилинишига асос ҳисобланади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига бошқа вилоят ҳудудидан келиб ўқиш истагини билдирган болалар болани қабул қилаётган ихтисослаштирилган таълим муассасаси жойлашган ҳудуднинг Комиссияси йўлланмасига асосан қабул қилинади.

15. Ихтисослаштирилган таълим муассасасига болалар 7 ёшга тўладиган йилда қабул қилинади.

16. Ихтисослаштирилган таълим муассасасига йўлланган ҳар бир болага ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (чин етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун – васийлик ва ҳомийлик органлари) томонидан шахсий ҳужжатлар йиғмажилди шакллантирилади ва тақдим этилади.

Боланинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида қуйидаги ҳужжатлар бўлади:

ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг аризаси;

Комиссия хulosаси;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (таълим муассасаларида ўқиётган болалар учун);

ўқиши жойидан таълимнинг муддати, ўкув фанларини ўзлаштириши ва хулқ-автори, болага якка тартибда кўмак бериш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг батафсил таҳлили акс эттирилган маълумотнома ва тавсифнома (таълим муассасаларида ўқиётган болалар учун);

боланинг яшаш жойидаги шифохона бош врачи томонидан имзоланган, унинг ривожланиши тарихидан муфассал кўчирма:

педиатрнинг боланинг умумий ривожланиши ҳолати тўғрисидаги хulosаси;

психоневрологнинг тиббий ташхис билан асосланган ва боланинг ақлий ривожланишига тавсифи билан хulosаси;

оториноларингологнинг кулок, томок, бурун ва талаффуз артикуляциясида иштирок этувчи органларнинг ҳолатига тавсифи билан хulosаси;

офтальмологнинг кўриш органига тавсифи билан хulosаси;

ортопед врачнинг хulosаси (таянч-ҳаракатланиш аппаратида нуқсони бўлган, сколиозга чалинган болалар учун);

врач-фтизиатрнинг хulosаси (туберкулез ва нафас олиш органларининг сурункали касалланиши хавфи остидаги болалар гурухлари учун);

17. Ихтисослаштирилган таълим муассасасига йўлланган чин етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида 16-бандда кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари яна қуйидаги ҳужжатлар ҳам бўлиши керак:

туман (шаҳар) ҳокимининг болага васий (ҳомий) тайинлаш ёки уни таълим муассасасига жойлаштириш ҳақидаги қарори нусхаси;

ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳақидаги маълумотлар (ота-оналарнинг паспортлари нусхалари ёки уларнинг вафоти ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, суднинг хукми ёки қарори, ота-онасининг сурункали касаллиги ёки қидирудва эканлиги ҳақидаги, ота-онасининг

йўқлиги ёки уларнинг ўз фарзандларини тарбиялай олмаслиги ҳақидаги хужжатлар);

боланинг ота-онасидан қолган мулки (агар бўлса), унинг қаердалиги, уни сақлаш учун амалга оширилган чоралар ва бунга масъул шахслар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган мулк рўйхати;

болага турар жой биритирилганлиги тўғрисидаги хужжатлар (далолатнома, уй дафтари, турар жой чизмаси нусхалари, турар жойнинг эгаси ва хусусийлаштирилганлиги ҳолати тўғрисида туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан маълумотнома);

пенсия олувчи болаларнинг пенсия дафтарчаси, бола фойдасига алимент ундириш ҳақидаги суд қарори, омонат дафтарчаси.

18. Ихтисослаштирилган таълим муассасасига мураккаб нуқсонли болалар (ривожланишида 2 та ва ундан кўп етишмовчилик бўлган болалар) қабул қилинмайди.

19. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қўйидагилар қабул қилинмайди:

акли заиф болалар;

хулқ-авторида оғир бузилишлар, ҳиссий-иродавий соҳасида (органик) нуқсонлари бўлган болалар;

юрак-қон томири касалликлари бор болалар;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган, мустақил равища ҳаракатлана олмайдиган ва ўз-ўзига хизмат кўрсата олмайдиган болалар;

кўр-кар-соқов болалар;

тез-тез такрорланадиган эпилептик тутқаноқдан азият чекадиган (эпилептик деменция, кундузги ва тунги вақтларда тутқаноғи тез-тез такрорланадиган) болалар;

марказий асаб тизимиға шикаст етганлиги туфайли сийдик ва нажасини ушлаб туролмайдиган болалар.

20. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси директори ўқувчиларнинг қабул қилиниши учун белгиланган тартибда шахсан жавоб беради.

5-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш

21. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқитиш умумий ўрта таълим ўқув режалари ва таълим дастурлари асосида олиб борилади.

22. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси умумий ўрта таълим давлат стандартларига мувофиқ 1–11-синфлар ҳажмида ўқувчиларга мажбурий умумий ўрта таълим берувчи соғломлаштириш таълим муассасаси хисобланади.

23. Даволаниш, соғломлаштириш ва таълим олишга муҳтож болалар ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг 1–11-синфларига Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси йўлланмалари асосида, психологик-тиббий-педагогик комиссия хуносасига кўра, шунингдек, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан қабул қилинади.

24. Болаларни қабул қилиш ўқув йили бошлангунгача амалга оширилади ва ихтисослаштирилган таълим муассасаси директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

25. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида болаларнинг бўлиши муддати тиббий кўрсатмаларга мувофиқ ва психологик-тиббий-педагогик комиссия хуносасига кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар розилиги билан, лекин З йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасасида бўлиши муддати тугаган болаларнинг муассасада бўлиш муддати қайта узайтирилмайди.

26. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида сил ва нафас олиш органларининг сурункали касалликлари ривожланиши хавфи мавжуд гуруҳдаги болалар учун синфлар ва тарбияланувчилар гурухи тўлдирилиши камида 25 нафарни, сколиоз билан касалланган болалар учун синфлар ва тарбияланувчилар гурухи тўлдирилиши эса – камида 20 нафарни ташкил қиласади.

27. Ўқув йилининг бошланиши, дарслар ва таътилларнинг давомийлиги, шунингдек, якуний давлат аттестациясини ўтказиш ва таълим олганлиги тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжатларни бериш тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

28. Таълим олиш, ихтиёрий равища ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш, даволаниш ва дам олишни асосли равища уйғунлаштиришни таъминлайдиган кун тартиби болаларнинг ихтисослаштирилган таълим муассасаларида бўлиши муддатини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

29. Дарснинг давомийлиги I синфда биринчи ярим йилликда – 35 дақиқа, иккинчи ярим йилликда ва бошланғич таълим (мактаб)нинг II–IV синфларида – 40 дақиқа, V ва кейинги синфларда – 45 дақиқа бўлади.

30. Болаларнинг меҳнат тарбияси ихтисослаштирилган таълим муассасаси педагогик ва тиббиёт ходимларининг тиббий кўрсатмалари ҳамда тавсияларига кўра таълимни эгалланган меҳнат кўникмалари билан уйғунлаштириш асосида амалга оширилади.

31. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчилар учун турли тўгараклар, қизиқишлиарига кўра клублар, секциялар (жумладан, врачлар тавсияларига кўра спорт секциялари) ва болаларнинг интеллектуал ҳамда ижодий қобилияtlарини ривожлантиришга мўлжалланган студиялар ташкил этилади.

32. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида таълим жараёнининг психологик таъминотини муассаса штатидаги психолог амалга оширади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқувчиларни психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳсус касбий тайёргарлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш, шунингдек, уларга турли кўринишдаги психологик ёрдам бериш мақсадида професионал психологик ёрдам кўрсатиш хоналари ташкил этилади.

6-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида даволаш-соғломлаштириш жараёнини ташкил этиш

33. Болаларни соғломлаштиришга йўналтирилган даволаш-соғломлаштириш, реабилитация, санитария-гигиена ва профилактика чора-тадбирлари ихтисослаштирилган таълим муассасасининг штатидаги тиббиёт ва педагог ходимлари ҳамда таълим муассасасига биритирилган соғлиқни сақлаш муассасасининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари томонидан муассасага қабул қилинган болаларнинг 3 йил давомида тўлиқ соғломлаштирилиши таъминланади.

34. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси тиббиёт ходимлари касалликнинг қайталаниши ҳолатлари (рецидивлари), ҳамроҳ касалликлар профилактикасига ва болалар соғлигини яхшилашга қаратилган даволаш-соғломлаштириш ва реабилитация чора-тадбирларини амалга оширади. Тиббиёт ходимлари ўз ишларида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига амал қилишади.

35. Даволаш жисмоний тарбия машқлари даволаш жисмоний тарбия инструктори ёки тегишли тайёргарликка эга бўлган ўқитувчи томонидан ўтказилади.

36. Даволаш курслари билан белгиланган тиббий соғломлаштириш муолажалари ҳар бир бола учун машғулотлар жадвали билан мувофиқлаштирилган ҳолда индивидуал равишда режалаштирилади.

37. Даволаш даврида болалар соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида тиббиёт ходимлари ишга лаёқати паст болаларга ҳафта давомида кўшимча дам олиш кунлари бериш орқали эҳтиёткорона муносабатда бўлиш тартибига амал қилишни, шунингдек, ҳафтанинг бир кунини очик ҳавода, жисмоний машқлар, спорт тадбирлари ҳамда сайр қилишга тавсия этиши мумкин.

38. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида ҳар бир бола учун тиббий карта юритилади, боланинг муассасада бўлиш муддати тугагач, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга ундан кўчирма берилади.

39. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида барча тиббий-соғломлаштириш ва реабилитация чора-тадбирларининг тўғри ташкил этилиши ҳамда амалга оширилишини назорат қилиш ихтисослаштирилган

таълим муассасаси жойлашган ҳудуддаги соғлиқни сақлаш органлари томонидан амалга оширилади.

40. Соғлиқни сақлаш органлари томонидан ихтисослаштирилган таълим муассасасига унинг тиббиёт ходимлари штатини тўлдиришда, тиббиёт ходимлари малакасини оширишда, маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва даволаш-соғломлаштириш ишларининг замонавий методларини жорий этишга малакали мутахассисларни жалб этишда ёрдам кўрсатилади.

7-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасасидаги таълим жараёни иштирокчилари

41. Ўқувчилар, ота-оналар ёки ота-оналар ўрнини босувчи шахслар, педагогик, тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар ихтисослаштирилган таълим муассасасининг таълим жараёни иштирокчилари хисобланади.

42. Ўқувчилар бепул умумий ўрта таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳамда ихтисослаштирилган соғломлаштириш таълим муассасалари учун белгиланган нормалар асосида бепул озиқ-овқат билан таъминланиш, қизиқишлирига қараб турли тўгараклар, клублар, секцияларга (жумладан, врач тавсияси билан спорт секцияларига), болаларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган студияларга қатнаш ҳуқуқига эга.

43. Ўқувчилар ихтисослаштирилган таълим муассасасининг устави ва ички тартибига, шунингдек, санитария нормалари ва қоидаларига амал қилишлари шарт.

44. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси ўқувчиларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик хужжатлари ва ихтисослаштирилган таълим муассасасининг устави билан белгиланади.

45. Тегишли касбий маълумотга, тайёргарликка ҳамда юксак ахлоқий сифатларга эга шахслар ихтисослаштирилган таълим муассасаларида педагогик ва тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

46. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар болаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ихтисослаштирилган таълим муассасасининг таълим-тарбиявий фаолияти, болага кўрсатилаётган тиббий ва ижтимоий ёрдам даражаси билан танишиш ҳуқуқига эга.

8-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасасини бошқариш

47. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан тайинланган директор ихтисослаштирилган таълим муассасасига бевосита раҳбарлик қиласи.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаси директори билан бир йил муддатга меҳнат шартномаси тузилади. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси директори билан меҳнат шартномаси ҳар йили янгидан тузилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаси директорига Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган малакавий талаблар қўйилади.

48. Директор ихтисослаштирилган таълим муассасаси номидан иш юритади ва унинг манфаатларини ифодалайди, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассаса мол-мulkини бошқаради ва шартномаларни имзолайди.

49. Директор:

ихтисослаштирилган таълим муассасаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди ва мазкур муассасага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг масъуллик даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида ихтисослаштирилган таълим муассасасининг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда таълим муассасаси фаолиятининг бошқа масалаларини ҳал қилиш билан боғлик тақлифларни тегишли халқ таълими органларига киритади;

педагог ва бошқа ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади;

қонунчилик ҳужжатларида зид бўлмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Директор ҳар чоракда камида бир марта ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисботни тегишли фуқаролар йигинига тақдим этади.

50. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида психолого-тиббий-педагогик комиссия, педагогик, методик ҳамда кузатув кенгашлари ташкил этилади ва фаолият юритади. Ушбу кенгашларнинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади. Психолого-тиббий-педагогик комиссиялар фаолияти тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

9-боб. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг мол-мулки ва молия-хўжалик фаолияти

51. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси фаолиятини молиялаштириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қуидагилар ҳисбига амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайр-эҳсонлари ва мақсадли бадаллари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

52. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилган ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметалари асосида молиялаштирилади.

53. Штатлар жадвали қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда намунавий штатларга мувофиқ тасдиқланади.

54. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси ишчи-ходимларининг иш хақи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

55. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчилари ихтисослаштирилган таълим муассасалари учун озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг ўртacha суткалик оқилона нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига озиқ-овқат билан таъминланади.

56. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларни таъминлаш ва ўқитиш учун ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан тўлов ундирилмайди.

57. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган молия ва статистика ҳисботларини юритади.

58. Ихтисослаштирилган таълим муассасасининг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш молия органлари томонидан амалга оширилади.

10-боб. Якунловчи қоидалар

59. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим масалалари бўйича халқаро фаолиятни амалга ошириш хуқукига эга.

60. Ихтисослаштирилган таълим муассасасини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

61. Ихтисослаштирилган таълим муассасасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, қоидага кўра, ўқув йили тугагач амалга оширилади, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан келишган ҳолда ўқувчиларни бошқа таълим муассасаларига ўтказиш масъулиятини ўз зиммасига олади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 12 октябрдаги 638-сон қарорига
4-илова

**Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган,
шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтоҷ бўлган болаларга
уйда якка тартибда таълим бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтоҷ бўлган болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Уйда якка тартибда таълим олиш жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтоҷ ва тиббий кўрсатмаларга кўра доимий ёки вақтинча умумий ўрта таълим ташкилотлари ва жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар)га (кейинги ўринларда – мактаб) қатнай олмайдиган болалар (кейинги ўринларда – ўқувчилар) учун ташкил этилади.

Ўқувчиларнинг таълим олиш хукуқини таъминлаш мақсадида мактабнинг тегишли синфида ўқиётган болалардан икки ёшга ошган ўқувчиларни ҳам ушбу синфда уйда якка тартибда таълим олишга жалб қилишга рухсат этилади.

3. Уйда якка тартибда таълим беришнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган хукуқларини таъминлаш ҳамда уларнинг таълим олишлари учун зарур шароит яратишдан иборат.

**2-боб. Ўқувчиларга уйда якка тартибда
таълим беришнинг мақсадлари**

4. Куйидагилар уйда якка тартибда таълим беришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўқувчиларнинг умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган (ақли заиф болалар учун) маҳсус таълим талабларига мувоғиқ билим олишларини таъминлаш;

баркамол, жисмонан ва маънавий соғлом шахсни вояга етказиш, ўқувчиларда маданий-маърифий қадриятларни, фуқаролик ва ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш;

таълим бериш жараёнида ўқувчиларнинг соғлиғини ҳимояловчи дарс жадвалига риоя этилишини таъминлаш.

3-боб. Ўқувчиларнинг уйда якка тартибда таълим олишини ташкил этиш

5. Мактаб директорлари мактаб жойлашган худудда яшайдиган ўқувчиларни аниқлайдилар, рўйхатга оладилар ҳамда уларни уйда якка тартибда таълим олиш учун жалб қилиш чораларини кўрадилар.

6. Ўқувчининг уйда якка тартибда таълим олишини белгилаш унинг доимий яшаш жойидаги туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган тиббий-маслаҳат комиссиясининг (кейинги ўринларда – тиббий-маслаҳат комиссияси) тиббий хулосасига асосан туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан амалга оширилади.

7. Мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ Уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхатида белгиланган касаллик (патологик ҳолат) аломатлари бўлган ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (кейинги ўринларда – ота-оналар), ўқувчини тиббий кўрикдан ўтказиш учун тиббий-маслаҳат комиссиясига мурожаат қиласди.

Тиббий-маслаҳат комиссиясига ўқувчининг касаллик тарихидан кўчирма, касаллик бўйича маҳсус даволаш-профилактика муассасаларининг хулосаси, заруратга кўра бошқа диагностика текширувлари натижалари тақдим этилади.

8. Тиббий кўрик тиббий-маслаҳат комиссиясига мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кун ичida ўтказилади.

Тиббий кўрик натижасига кўра, ўқувчидаги уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар (патологик ҳолатлар) мавжудлиги аниқланганда, тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда Ўқувчининг уйда якка тартибда таълим олишга муҳтоҷлиги тўғрисида тиббий хулоса (кейинги ўринларда – тиббий хулоса) расмийлаштирилади.

9. Тиббий хулоса олти ой муддатга ёхуд тўлиқ ўкув йилига берилади ҳамда тиббий-маслаҳат комиссиясининг раиси, аъзолари ва унинг ишига жалб қилинган бошқа мутахассислар томонидан имзоланиб, даволаш-профилактика муассасасининг муҳри билан тасдиқланади.

Тиббий хулоса ота-оналарга тиббий кўрик ўтказилган куннинг ўзида тақдим этилади.

10. Ота-оналар фарзандларининг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тўғрисидаги ариза билан мактаб директори номига мурожаат қиласди.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ўқувчининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;
ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели (таълим олган бўлса);
тиббий-маслаҳат комиссиясининг тиббий хулосаси.

11. Мактаб директори аризани қабул қилиб олгач, уч кун ичида ўқувчини уйда якка тартибда таълим олишга жалб қилиш хақида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига ота-оналар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма мурожаат қиласди.

12. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимни мудири ҳужжатларни қабул қилиб олгач, уч кун ичида ўқитиши муддати, мактабнинг рақами ва муайян синфи кўрсатган ҳолда ўқувчини уйда якка тартибда таълим олишга жалб қилиш тўғрисидаги буйруқни қабул қиласди ва унинг нусхасини мактабга юборади.

13. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда мактабда асосий иш жойи сифатида ишламайдиган ўқитувчилар ёки мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Ўқувчида бир вақтнинг ўзида бир неча касаллик турлари учраса ёки унга фан ўқитувчиларидан ташқари бошқа мутахассислар (логопед, психолог, дефектолог ва бошқалар) мактабда бўлмаган тақдирда, бошқа таълим муассасаларидан ўриндошлик асосида жалб қилинади.

Ўқувчига фан ўқитувчиларидан ташқари мутахассисларни бириктириш учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари масъул ҳисобланади.

14. Мактаб директори туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг тегишли буйруғини олгач, уч кун ичида ўқувчига уйда якка тартибда таълим берувчи ўқитувчиларни бириктириш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Ўқувчи ёши, психик ҳолати, аввал қайси синфгacha ўқиганлиги инобатга олиниб муайян синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтаридағи рўйхатга киритилади.

15. Ота-оналарнинг истагига кўра, ўқувчига жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари томонидан уйда якка тартибда таълим бериш ташкил қилиниши мумкин.

Мазкур тоифадаги ўқувчиларга Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси хузурида ташкил этилган психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосаси ва ушбу органларнинг йўлланмаси асосида уйда якка тартибда таълим бериш ташкил қилинади.

16. Узоқ вақт даволанишга муҳтоҷлиги сабабли мактабга бора олмайдиган ўқувчиларга меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномасига асосан ўқув машғулотларидан озод этилган кунлар оралиғида уйда якка тартибда таълим олиш ташкил этилади.

Меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномасига кўрсатилган муддат тугагач, мактаб директорининг буйруғига мувоғиқ ўқувчига уйда якка тартибда таълим бериш тўхтатилади ва у мактабнинг тегишли синфиға қайтарилади.

17. Туман (шахар) халқ таълими бўлимлари мактаб директорлари томонидан ўқувчиларни таълим олишга жалб қилиш чоралари кўрилиши ҳамда улар учун таълим жараёни ташкил этилишини назорат қиласидилар.

4-боб. Ўқувчиларга уйда якка тартибда таълим бериш

18. Ўқувчига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режаси асосида таълим-тарбия берилади.

Ўқув режасидаги ҳафталиқ соатлар микдори 1–4-синфлар учун 8 соат, 5–9-синфлар учун 10 соатни, 10–11-синфлар учун 12 соатни ташкил қиласидилар.

19. Дарс жадвали мактаб томонидан ўқувчининг соғлиғи ҳолатини инобатга олиб, ота-оналар билан келишган ҳолда мазкур Низомга З-иловага мувофиқ шаклда ишлаб чиқиласиди ҳамда мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Дарс жадвали ҳафтасига камида уч қунга мослаб тузилади.

20. Ўқувчининг қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиб, ота-оналарнинг аризасига мувофиқ ўқув режасида кўрсатилган фанларни умумий соатлар микдоридан ошмаган ҳолда 1 соатга ўзгартиришга йўл қўйилади.

Бундай ўзгартириш мактаб директорининг буйруғига мувофиқ ўқув режасидаги битта фанни бошқа бир фан билан алмаштириш ҳисобига амалга оширилади.

21. Жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларга уйда якка тартибда таълим бериш мактабнинг ўқув дастури, психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларга уйда якка тартибда таълим бериш эса – ақли заиф болалар учун жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқув дастури асосида ташкил этилади.

22. Дарс соатининг давомийлиги жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчилар учун 45 дақиқа, психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчилар учун 40 дақиқадан иборат бўлади.

Дарс машғулотларида ўқувчининг олган баҳолари ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ҳар бир фан бўйича алоҳида юритиладиган баҳолаш дафтарига қайд этиб борилади.

Ўқувчининг баҳолаш дафтарига кўйилган баҳолар ўқувчи рўйхатда турган мактабнинг синф журналига ёки ўқувчиларнинг давомати ва ўзлаштиришини ҳисобга олиш электрон тизимиға киритиб борилади.

23. Ота-оналар томонидан баҳолаш дафтарига ўқитувчилар томонидан дарс машғулотлари ўтказилганлигини тасдиқловчи имзо қўйилади.

Ўқувчи олган баҳоларнинг санаси ва дарс машғулотининг мавзуси синф журналидаги сана ва мавзуга тўғри келмаслиги мумкин.

24. Ўқувчи оғир мия жароҳатлари, бош мияда бўлган жарроҳлик операциялари, шунингдек, касаллиги зўрайган даврда ёки ўқувчининг таълим олишига тўсқинлик қиласидиган бошқа ҳолатларда тиббий-маслаҳат

комиссиясининг хулосасига асосан, унда кўрсатилган муддатга ўқишдан озод этилиши мумкин.

25. Ўқувчилар учун босқичли назорат ва якуний давлат аттестацияси мактаб директорининг буйруғига мувофиқ ўқувчининг соғлиғи ҳолатини инобатга олиб ўқувчининг уйидаги ёки мактабда ташкил этилади.

26. Якуний давлат аттестациясини муваффақиятли топширган ўқувчига таълим олганлиги тўғрисида давлат намунасидаги хужжат берилади.

Мазкур хужжатга ўкув режаси бўйича ўқувчи томонидан ўзлаштирилган фанлар учун баҳо кўйилади, дарс машғулотлари ўтилмаган фанларга баҳо кўйилмайди ҳамда унинг ўрнига “озод etilgan” деган сўзлар ёзиб кўйилади.

27. Дарс машғулотларининг ўқитувчилар томонидан ўз вақтида ва сифатли олиб борилиши ҳамда ўкув дастурларининг тўлиқ бажарилиши мактабнинг ўкув ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан назорат килинади.

5-боб. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда мактаб директори, синф раҳбари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналарнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари

28. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда мактаб директорининг хуқуқлари қўйидагилардан иборат:

уйда якка тартибда таълим олишга жалб қилиниши лозим бўлган ўқувчилар рўйхатини шакллантириш жараёнида юридик ва жисмоний шахслардан зарур маълумотларни сўраб олиш;

ота-оналардан дарс жадвалига мувофиқ машғулотларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун шароит яратишни талаб қилиш;

туман (шахар) халқ таълими бўлимларига уйда якка тартибда таълим беришининг ўкув дастурларини такомиллаштириш, интерактив усувлар ва янги педагогик технологиялардан фойдаланиш борасидаги таклифлар билан мурожаат қилиш.

Мактаб директори қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда мактаб директорининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

ўқувчини жонқуяр ва масъулиятли мутахассис ўқитувчи билан таъминлаш;

ўқувчининг имконияти ва қобилиятига мос равишда таълим-тарбия берилишини таъминлаш;

ўқувчининг мактаб ўқувчилари ва жамоаси билан ижтимоий муроқотда бўлишини таъминлаш;

ота-оналарнинг таълим жараёни билан боғлиқ мурожаатларини ўз муддатида кўриб чиқиш ва уларда кўтарилиган масалаларни ҳал этиш чораларини кўриш.

Мактаб директори зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

30. Мактаб директори ўқувчининг соғлиғи ҳолатини инобатга олиб унинг соғлом болалар билан ўзаро мулоқот қилиш малакасини ривожлантириш ҳамда ҳаётга ижтимоийлашувига кўмаклашиш мақсадида ўқувчани инклюзив шароитда таълим олиши учун мактабдаги дарс машғулотларига, дарсдан ташқари ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларга ҳамда коррекцион-ривожлантирувчи машғулотларга жалб килиши мумкин.

31. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда синф раҳбарининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

дарс машғулотларининг олиб борилишини назорат қилиш;

ота-оналар ва ўқувчининг ўқитувчилар билан мунтазам ҳамкорлигини таъминлаш;

ўқувчининг соғлиғи ҳолатини инобатга олиб ота-оналар билан келишган ҳолда уни мактабда ёки синфда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларга таклиф этиш.

32. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда ўқитувчининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

ўқувчининг имкониятлари ва тиббий хуносани инобатга олган ҳолда ўкув дастурларининг ўзлаштирилишини таъминлаш;

ўқувчиларнинг жисмоний ва психик ривожланишини таъминлаш, атроф мухит ва ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш;

ўқувчининг маънавий-ахлоқий сифатларини юксалтириш ҳамда эстетик дид ва ҳис-туйғуларини тарбиялаш;

ўқувчидаги дарсликлар, бадиий адабиётлар ва бошқа манбалар билан мустақил ишлаш малакасини ривожлантириш;

дарс машғулотлари режасини тузиш;

дарс машғулотларига оид бўлган ҳужжатларни ўз вақтида юритиш ҳамда ўқувчининг ўзлаштириши бўйича баҳолаш дафтарига кўйилган баҳоларни синф журналига ёки ўқувчиларнинг давомати ва ўзлаштиришини ҳисобга олиш электрон тизимида киритиб бориши.

Синф раҳбари ва ўқитувчилар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

33. Ўқувчига таълим берадиган ўқитувчиларга белгиланган тартибда қўшимча соатбай ҳақ ва йўл ҳақи компенсацияси тўланади.

34. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда ота-оналарнинг ҳукуқлари қўйидагилардан иборат:

фарзандининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
дарс машғулотларининг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилиш;
ўқитувчининг рухсати билан дарс машғулотларида қатнашиш;
фарзандининг таълим-тарбия олиши учун зарур ҳолларда ўқитувчи,
психолог, дефектолог ва бошқалардан маслаҳат олиш;
фарзандига таълим берәётган ўқитувчи фаолиятидан қоникмаган
тақдирда, уни бошқа ўқитувчи билан алмаштириш тўғрисида мактаб
раҳбариятига мурожаат этиш;
дарс жадвалини тузиш, ўқув дастурларини белгилаш бўйича таклифлар
бериш.

Ота-оналар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам
эга бўлиши мумкин.

35. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда ота-оналарнинг
мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

фарзандининг таълим олишга бўлган қизиқишини қўллаб-куватлаш;
врач тавсиялари ва фарзандининг кун тартиби тўғрисида ўқитувчини ўз
вақтида хабардор қилиш;
дарс машғулотларининг олиб борилиши ҳамда ўқитувчи фаолияти учун
зарур шарт-шароит яратиш;
ўқувчининг соғлиғи тўғрисида мактаб раҳбариятини ўз вақтида
хабардор қилиш;
ўқитувчи дарс машғулотларига келмай қўйган тақдирда, бу ҳақда мактаб
раҳбариятини хабардор қилиш;
фарзанди томонидан уй вазифаларининг бажарилишини таъминлаш.
Ота-оналар зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа
мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

6-боб. Яқунловчи қоида

36. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар
қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нүқсонлари бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтоҷ бўлган болаларга уйда якка тартибда таълим бериш тартиби тўғрисидаги низомга

1-илова

Уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар РЎЙХАТИ

T/p	Касалликнинг номланиши ва патологик ҳолатлари	Уйда якка тартибда таълим олиш муддати
I. Соматик касалликлар		
1.	Бириқтирувчи тўқиманинг тизимли шикастланиши (тизимли қизил югурик, дерматополиомиозит), ёшлар ревматоид артрити ва тугунчали периarterитнинг оғир турлари	6 ой
2.	Юрак ва қон айланиш тизимишининг туғма нүқсонлари (декомпесация даври, турғун юрак ва қон айланиши етишмовчилигининг II ва III даражаси)	6 ой
3.	Оғир даражадаги тетрада Фалло касаллиги	ўқув йили
4.	Туғма ва орттирилган тусдаги ўпка-бронх касалликларининг II ва III даражали турғун нафас етишмовчилиги	6 ой
5.	Астманинг оғир даражаси (ҳафтада бир неча марта ёки ҳар куни хуруж қилганда)	ўқув йили
6.	Сурункали гломерулонефрит (буйрак функцияси бузилишининг яққол клиник кўринишида, қайталаш давридаги цитостатик ва стеироид даво ўтказилган даврида)	ўқув йили
7.	Сурункали пиелонефрит ва сурункали обструктив пиелонефрит (буйрак функцияси бузилишининг яққол клиник кўриниш даври)	ўқув йили
8.	Ўткир гломерулонефрит бирламчи даволашдан сўнг ремиссия давригача, бирламчи ва иккиласмачи нефротик синдроми стероид ва цитостатик даво ўтказилган даврида	ўқув йили
9.	Турли органларнинг хавфли ўсмалари	ўқув йили
10.	Муковисцедознинг оғир тури	6 ой
11.	Целиакиянинг оғир тури (асоратлар билан кечиши даври)	6 ой
12.	Носпецифик ярали колитнинг оғир тури (қайталанувчи кечиши)	6 ой

13.	Крон касаллигининг оғир даражаси (асоратлар билан кечиш даври)	6 ой
14.	Жигар циррозининг декомпенсация даражаси	ўқув йили
15.	Номаълум этиологияли оқсил-энергетик етишмовчилигининг оғир даражаси (вазн танқислиги 30% ва ундан ортиқ ҳолатларда)	6 ой
16.	Ўткир лейкоз, апластик камқонликлар, ирсий гемолитик камқонликлар	ўқув йили
17.	Оғир геморрагик криз билан кечувчи доимо қайталаниб турувчи сурункали тромбоцитопатия, тромбоцитопеник пурпурा, гемофилия, Виллибранд ва Глынцман касалликлари	6 ой
18.	Туғма ва орттирилган иммун танқислиги ҳолатлари	ўқув йили

II. Психоневрологик касалликлар

1.	Рұхий ҳолати бузилғанлиги (шизофрения, психознинг зўрайган даври)	ўқув йили
2.	Оғир неврозлар (неврастения, психоастения), невроз ҳолатларининг зўрайган даври, шу жумладан, энкопрез, кундузги турғун энурез, декомпенсация давридаги дудукланиш	ўқув йили
3.	Турли этиологияли яққол кўринадиган энцефалоастеник ҳолатлар (травматик, юқумли, соматик)	ўқув йили
4.	Психопатиялар, декомпенсация давридаги психопатик ҳолатлар	ўқув йили
5.	Эпилепсиянинг зўрайган даврида	ўқув йили
6.	Мустақил ҳаракат қила олмасликка олиб келган таянч-ҳаракат аъзоларининг бузилиши	ўқув йили
7.	Болалар церебрал фалажи ва унинг асоратлари (енгил тури)	ўқув йили
8.	Болалар аутизми (хулқ-атвор бузилишлари билан, ўз-ўзини бошқара олмайдиган ҳаракатлар синдроми)	ўқув йили
9.	Миопатия. Миастениянинг тарқалган шакли	ўқув йили
10.	Асад тизимининг демиелинлаштирувчи касалликлари (яққол намоён бўлган клиника даври)	ўқув йили

III. Хирургик касалликлар

1.	Таянч аъзоларининг фалажи ва тоз суюклари фаолиятининг бузилиши билан боғланган орқа мия чурраси	ўқув йили
2.	Сийдик тута олмаслик, сийдик пуфагининг экстрофияси, сийдик йўлларининг атонияси декомпенсацияланган шакли. Нажас тута олмаслиги	ўқув йили
3.	Орқа чиқарув йўлларининг атрезияси	6 ой

4.	Турли касалликларда оёқларнинг фалажи	ўқув йили
5.	Сурункали таянч-харакат аъзолари касаллиги (сурункали остеомиелит суюк сили, остеохондропатия)	ўқув йили
6.	Бош мия операциясидан кейинги асоратланган ҳолатлар	ўқув йили
7.	Таянч-харакат тизимида ўтказилган операциялардан кейинги реабилитатив давр	6 ойдан 1 йилгача

IV. Тери касалликлари

1.	Туғма буллезэпидермолиз	ўқув йили
2.	Туғма ихтиознинг зўрайган даври	6 ой
3.	Эритродермия псориазининг йирингли тури	6 ой
4.	Артропатик псориази	6 ой
5.	Ўткир тери сил касаллиги	ўқув йили

Жисмоний, ақлий, сенсор ёки рухий нүксонлари бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтоҷ бўлган болаларга уйда якка тартибда таълим бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ўқувчининг уйда якка тартибда таълим олишга муҳтоҷлиги тўғрисида
ТИББИЙ ХУЛОСА**
(умумий ўрта таълим муассасасига тақдим этиладиган қисми)

20 ____ йил “ ____ ” _____

_____-сон

(даволаш-профилактика муассасасининг номи)

1. Ўқувчининг фамилияси, исми, отасининг исми _____
2. Ўқувчининг тугилган санаси (йил, кун, ой) _____
3. Ўқувчининг доимий яшаш жойи _____
4. Ўқувчининг ўқиши жойи _____
5. Ташхис (касалликнинг номи, патологик ҳолати) _____
Асосий _____
Асопрати _____
Кўшимча ташхис _____
6. Ўқувчини тиббий кўрикдан ўтказиш натижаларига кўра тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан унда Уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхатининг _____-бўлими _____-бандида назарда тутилган касаллик _____ мавжудлиги ҳақида хуросага қилинди.

(касаллик номи, патологик ҳолат ёзилади)

7. Хуросанинг амал қилиш мурдати 20 ____ йил “ ____ ” _____ гача
8. Қайта тиббий кўрикдан ўтиш санаси 20 ____ йил “ ____ ” _____ гача

Тиббий-маслаҳат комиссияси раиси

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Тиббий-маслаҳат комиссияси
аъзолари ва мутахассислар

М.Ў.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Ўқувчининг уйда якка тартибда таълим олишга мухтожлиги тўғрисида
ТИББИЙ ХУЛОСАНИНГ КОРЕШОГИ
(даволаш-профилактика муассасасида коладиган қисми)

20 ____ йил “ ____ ”

—сон

(даволаш-профилактика муассасининг номи)

1. Ўқувчининг фамилияси, исми, отасининг исми _____
2. Ўқувчининг тугилган санаси (йил, кун, ой) _____
3. Ўқувчининг доимий яшаш жойи _____
4. Ўқувчининг ўқиши жойи _____
5. Ташхис (касалликнинг номи, патологик ҳолати) _____
Асосий _____
Асорати _____
Кўшимча ташхис _____
6. Ўқувчани тиббий кўрикдан ўтказиш натижаларига кўра тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан унда Уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхатининг ___-бўлими ___-бандида назарда тутилган касаллик _____ мавжудлиги ҳақида хулоса қилинди.
(касаллик номи, патологик ҳолат ёзилади)
7. Хулосанинг амал қилиш мурдати 20 ____ йил “ ____ ” гача
8. Қайта тиббий кўрикдан ўтиш санаси 20 ____ йил “ ____ ” гача

Тиббий-маслаҳат комиссияси раиси

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Тиббий-маслаҳат комиссияси
аъзолари ва мутахассислар

М.Ў.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Тиббий хулоса 20 ____ йил “ ____ ” га кадар _____ га
(умумий ўрта таълим муассасининг сони,
манзили)

топшириш учун _____ га берилди.

(топширадиган шахснинг Ф.И.О.)

Тиббий хуносани олдим: 20 ____ йил “ ____ ”

_____ (имзо)

Жисмоний, ақлий, сенсор ёки рухий нүқсонлари бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга мухтож бўлган болаларга уйда якка тартибда таълим бериш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

тумани (шаҳри) _____-сонли
умумтаълим мактаби директори

(имзо)

(Ф.И.О.)

20 ____ йил “____” _____

**Уйда якка тартибда таълим олаётган _____-синф ўқувчиси
учун тузилган**

(ўқувчининг Ф.И.О.)

ДАРС ЖАДВАЛИ

Хафта кунлари	Фаннинг номи	Дарснинг бошланиш вақти	Дарснинг давомийлиги	Ўқитувчининг Ф.И.О.
Душанба				
Сешанба				
Чоршанба				
Пайшанба				
Жума				
Шанба				

Жисмоний, ақлий, сенсор ёки рухий нүқсонлари бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болаларга уйда якка тартибда таълим бериш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**Уйда якка тартибда таълим олаётган _____-синф ўқувчиси
нинг
(ўқувчининг Ф.И.О.)**

“_____” фанидан
(фаннинг номи)

БАҲОЛАШ ДАФТАРИ

Сана	Мавзу номи	Ўқувчига қўйилган баҳо	Уй вазифаси	Ота-онасиининг имзоси

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 12 октябрдаги 638сон қарорига
5-илова

Психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларига (мактаб, мактаб-интернатларга) (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган таълим муассасалари) юбориш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссияларни (кейинги ўринларда – Комиссия) ташкил этиш ва уларнинг фаолияти, шунингдек, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни уларнинг психофизик имкониятларига мос равиша таълим олишларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари (кейинги ўринларда – худудий халқ таълими бошқармаси) томонидан уларнинг ҳузурида ташкил этилади.

Комиссия ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради.

3. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонунчилик хужжатларига, шу жумладан, мазкур Низомга амал қиласди.

4. Комиссия ўз фаолиятини қарорлар қабул қилишда холислик, очиқлик, шаффоффлик, ошкоралик ва коллегиаллик тамойилларига асосланган ҳолда олиб боради.

5. Комиссия фаолияти халқ таълими бошқармалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари (кейинги ўринларда – соғлиқни сақлаш бошқармаси) томонидан мувофиқлаштирилади.

Комиссия ўз фаолиятини амалга оширишда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш органлари, шунингдек, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун ваколатли ташкилотлар, шу жумладан, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласди.

2-боб. Комиссиянинг мақсад ва вазифалари

6. Комиссиянинг мақсади 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни аниқлаш ва уларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига (6 ёшдаги болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларидаги тайёрлов гурухларига) юбориш учун хулоса беришдан иборат.

7. Комиссия қўйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

болаларни жисмоний ёки психик ривожланишидаги нуқсонларини аниқлаш учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар иштирокида кўрикдан ўтказади;

болаларни кўрикдан ўтказища улар билан бевосита муроқот қиласди ва улардаги нуқсонларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганади;

боланинг жисмоний ёки психик ривожланишидаги нуқсонлари ҳақида яшаш жойидаги шифохона врачлари томонидан қўйилган ташхиснинг ишончлилигини ўрганади;

болаларнинг ривожланишидаги нуқсонларни комплекс равища текшириш натижалари асосида уларнинг имкониятларини аниқлайди;

боланинг жисмоний ёки психик ривожланишидаги нуқсонига қўйилган ташхис ўз тасдигини топса, уларни тегишли ихтисослаштирилган таълим муассасаларига юбориш учун хулоса беради;

болаларни бир ихтисослаштирилган таълим муассасасидан бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига ёки инклузив шароитда таълим олиши учун умумтаълим муассасасига ўтказиш юзасидан хулоса беради;

болаларни инклузив шароитда таълим олиши учун умумтаълим ташкилотларига юбориш учун йўлланма беради;

болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг тегишли муассасасига ўтказиш юзасидан хулоса беради;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар билан ишлайдиган педагог, психолог, тиббиёт ходимлари ҳамда ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга зарур маслаҳатлар беради;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

3-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

8. Комиссия ҳар йили 20 майга қадар тегишли халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаларининг қўшма қарорига асосан тузилади.

9. Комиссиянинг таркиби тоқ сонда камида 7 нафар аъзодан иборат бўлади.

Комиссия таркибига олий психологик, тиббий, педагогик маълумотга ҳамда 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлган юқори малакали мутахассислар – психолог, педагог-дефектологлар (олигофренопедагог, сурдопедагог, тифлопедагог, логопед), психоневролог, невропатолог, ортопед, оториноларинголог, окулист, педиатр врачлар киритилади.

Бунда, тегишли йил учун Комиссия таркибига киритилган мутахассис келгуси икки йил мобайнида Комиссия таркибига аъзо сифатида киритилиши мумкин эмас, раис, раис ўринbosари ва котиб бундан мустасно.

10. Комиссия раиси этиб ҳудудий халқ таълими бошқармаси бошлиғи ёки унинг ўринbosари, Комиссия раисининг ўринbosари этиб соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринbosари тайинланади.

11. Ҳудудий халқ таълими бошқармасининг Болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш шўъбаси раҳбари Комиссия котиби ҳисобланади.

12. Комиссия раиси Комиссия ишини ташкил этади, иш режаларни тасдиқлайди, йиғилиш ўтказиладиган вақт ва жойни белгилайди, Комиссияга юқлатилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қиласди.

13. Ҳудудий халқ таълими бошқармаси Комиссия фаолияти учун зарур шароитлар яратиб беради.

14. Комиссия йиғилиши раис томонидан тасдиқланган режага асосан иш ҳажмини инобатга олган ҳолда июнь ойининг биринчи иш кунидан октябрь ойининг охирги иш кунига қадар ҳар ҳафтада камида бир маротаба, шундан кейин келгуси йил учун ташкил этиладиган Комиссия ўз фаолиятини бошлагунига қадар ҳар ойда камида бир маротаба ўтказилади.

15. Комиссия аъзолари Комиссия йиғилиши ўтказиладиган кун ёки Комиссия йиғилишини ўтказиш зарурати йўқлиги ҳақида Комиссия котиби томонидан камида уч кун олдин хабардор қилинади.

16. Комиссиянинг барча аъзолари Комиссия йиғилишида иштирок этишлари шарт.

17. Комиссия йиғилишида Комиссия аъзоларининг хулосалари асосида қарор қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Баённома Комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

18. Болани ихтисослаштирилган таълим муассасасига юбориш бўйича хулоса қабул қилинган тақдирда, унда ихтисослаштирилган таълим муассасасига юборилаётган бола билан олиб бориладиган таълим-тарбия ва даволаш-тузатиш ишлари бўйича тавсиялар ҳам кўрсатилиши лозим.

19. Комиссия котиби томонидан Комиссиянинг иш фаолиятига доир қуйидаги хужжатлар юритилади:

Комиссияга тушган аризаларни қайд қилиш дафтари;

Комиссия йиғилиши баённомаларини қайд қилиш дафтари ва баённомаларнинг нусхалари.

4-боб. Комиссия томонидан ҳужжатларни кўриб чиқиш

20. Комиссия хulosасини олиш учун боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қуидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ариза;

боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси;

боланинг таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

боланинг ўқиши жойидан таълимнинг муддати, ўкув фанларини ўзлаштириши ва хулқ-атвори, болага якка тартибда қўмак бериш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг батафсил таҳлили акс этирилган маълумотнома ва тавсифнома (таълим муассасаларида ўқиган болалар учун);

боланинг яшаш жойидаги шифохона бош врачи томонидан имзоланган, унинг ривожланиши тарихидан муфассал кўчирма:

боланинг умумий ривожланиши ҳолати тўғрисида педиатрнинг хulosаси;

психоневрологнинг тиббий ташхиси ва боланинг ақлий ривожланишига тавсифи;

оториноларингологнинг қулок, томок, бурун ва талаффуз артикуляциясида иштирок этувчи органларнинг ҳолатига тавсифи (эшитишида нуқсони бўлган болалар учун нутқ ва шивирлаб айтилган сўзларни идрок этиш ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, аудиограмма маълумотлари);

офтальмологнинг кўриш органига тавсифи (кўришда нуқсони бўлган болалар учун батафсил ташхиси);

ортопед врачнинг хulosаси (таянч-ҳаракатланиш аппаратида нуқсони бўлган болалар учун).

21. Мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган ҳужжатлари тақдим этилган бола Комиссиянинг навбатдаги йиғилишида текширувдан ўтказилади.

22. Боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар бола текширувдан ўтказиладиган кун ҳақида Комиссия котиби томонидан хабардор қилинади.

23. Текширувга олиб келинган болалар Комиссия томонидан уларнинг индивидуал хусусиятлари, ёши, жинси, жисмоний ва психик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда комплекс текширувдан ўтказилиши лозим.

24. Болалар Комиссия кўрсатмаларга мувофиқ ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар иштирокида Комиссиянинг ҳар бир аъзоси ёки бир вақтнинг ўзида бир нечта аъзолари томонидан текширувдан ўтказилади.

25. Комиссия аъзолари томонидан болаларни кўриқдан ўтказиш, улар билан бевосита мулоқот қилиш ва улардаги нуқсонларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганиш натижасида уларнинг жисмоний ёки психик нуқсонига қўйилган ташхис ўз тасдифини топса, уларни ихтисослаштирилган ёки инклузив таълим ташкил этилган умумтаълим муассасаларга юбориш юзасидан хулоса берилади.

26. Комиссия хулосаси боланинг таълим олиши учун маҳсус шароитларга эга бўлиш хукуқини таъминловчи ҳужжат ҳисобланади.

27. Текширувдан ўтказилган бола юзасидан Комиссия йигилиши баённомаси ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга беш кун ичida берилиши шарт.

28. Комиссия томонидан берилган хулоса ва тавсияларнинг асослилиги учун Комиссия раиси ва аъзолари жавобгар ҳисобланади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

29. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасасига юбориш ҳудудий халқ таълими бошқармаси томонидан Комиссиянинг хулосасига кўра ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан амалга оширилади.

30. Комиссия фаолияти устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

31. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 12 октябрдаги 638-сон қарорига
6-илова

**Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган
давлат таълим муассасаларида касбга ўқитиш
курсларини ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси) ўқувчиларини (кейинги ўринларда – ўқувчилар) касбга ўқитиш курсларини (кейинги ўринларда – ўқув курси) ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ўқув курслари алоҳида эътиборга муҳтоҷ 18 ёшгача бўлган болаларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаши учун кўмаклашиш натижасида битирувчиларнинг қуидаги самарадорлик мезонларига эришиш кўзда тутилади:

ўрганган касби бўйича мустақил фаолият юрита олиш;

касбий фаолиятида касбга доир технологияларни тўғри ва хатосиз танлаш ва қўллай олиш;

хомашёнинг юқори сифатига баҳо бера олиш ва маҳсулотни сифатли тайёрлай олиш;

ишлиб чиқаришда технологик талабларни бажариш, хавфсизлик қоидаларига риоя этиш,

иш вақтини мустақил режалаштира олиш, ўзини мунтазам назорат қилиш, иш жараёнидаги вазиятларга баҳо бериш ва тўғри қарорларни қабул қилиш;

иш берувчи ва ишчи ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи меҳнат ҳақидаги қонунларни билиш;

меҳнат фаолиятига ижодкорлик билан ёндаша олиш, инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича креатив ташаббуслар кўрсата олиш;

бажарган иши бўйича шахсий масъулиятни ва жавобгарликни ҳис қилиш.

3. Ўқув курслари алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг ўқувчиларига касб-хунар ўрганишини, уларда касбий билим ва кўнималарни шакллантиришни, жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг касб-хунарга эга бўлиши ва жамиятда ўз ўрнини топишини таъминлайди.

4. Ўқув курслари барча ихтисослаштирилган таълим муассасаларида 10–11-синф (интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатларнинг 8–9-синф) ўкувчилари учун ташкил этилади ҳамда таълим бериш муддати 2 йил бўлади.

5. Ўқув курсларини ушбу Низомга 1-иловада келтирилган рўйхат асосида ўргатиладиган касбга мос зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда хомашё материаллар билан таъминлаш ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси жойлашган туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан амалга оширилади.

Ўқув курсида ўргатиладиган касбларнинг малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади.

2-боб. Ўқув курсининг мақсад ва вазифалари

6. Ўқув курсининг мақсади жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган ўкувчиларни касб-хунарга ўргатиш, уларнинг қизиқиши, қобилияти ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда касб-хунар танлаш ҳамда келажакда эгаллайдиган касблари бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишларига кўмаклашишдан иборат.

7. Ўқув курсларининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

ўкувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш, маҳсус ва чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган касбларни ўргатиш;

касбий таълим бериш жараёнида “уста-шогирд” анъаналарни, маҳаллий ва хорижий илғор тажрибани ўрганган ҳолда энг мақбул усуллардан фойдаланиш ҳамда касбларнинг малака талаблари ва касбий таълим бериш жараёнининг методик таъминотини такомиллаштириб бориш;

касбий таълим бериш жараёнига инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали касбий таълим бериш сифатини таъминлаш;

ўкувчиларда мустақил ижодий фикрлаган ҳолда меҳнат жараёнини ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш орқали уларнинг меҳнат фаолияти билан фаол шуғулланиши имконини берувчи касб эгаси бўлишларини таъминлаш;

меҳнат бозори учун маҳсус ва чуқурлаштирилган тайёргарлик талаб этилмайдиган касблар бўйича рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлаш.

8. Ўқув курсининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида зарур ташкилий, ўкув-методик, моддий-техник ва психологияк-педагогик шарт-шароитлар яратилади.

3-боб. Ўқув курсида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш

9. Ўқув курсининг ўқув-тарбия жараёни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимни вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режасига асосан амалга оширилади.

10. Ўқув курсидаги касб-хунарнинг турига қараб худуддаги тегишли ташкилотлар билан тузилган шартнома асосида амалий машғулотлар ташкил этилиши мумкин.

11. Ўқув курсларида ўқувчиларда касбий компетенциялар ва амалий меҳнат кўникмалари ривожлантирилади.

12. Ўқув курслари умумтаълим дастурлари билан бир вақтда таълим муассасасининг хусусиятидан келиб чиқиб тайёрланган дарс жадвали асосида амалга оширилади.

Ўқув курсларидаги ўқувчилар сони алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) гуруҳларидаги болалар сони меъёrlарига мувофиқ равишда белгиланади.

13. Ўқув курсининг бошланиши, тугалланиши, ҳафталик юклама, таътилларнинг муддати, давомийлиги, шунингдек, ўқув-тарбия жараёни якунларини белгилаш шакллари, амалиёт турлари ва якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби ҳамда таълим жараёнига тегишли бошқа талаблар қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режалари ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида белгиланади.

14. Ўқув курсида тасдиқланган таянч ўқув режасига асосан икки ўқув йили давомида ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг қисқартирилаётган ўқув соатлари доирасида 10–11-синфлар ўқувчилари жами 476 соат, интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатларининг 8–9-синфлар ўқувчилари жами 816 соат касбга ўқитилади, ҳар бир ўқув йили якунида ўқувчилар учун 20 соатдан иборат ишлаб чиқариш амалиёти ўтказилади.

15. Ўқув курси жараёнини ташкил этишда қуйидаги муддатларга амал қилинади:

ўқув йилининг давомийлиги – 34 ҳафта;

ҳафтасига бир кунлик дарс машғулотларининг давомийлиги ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг 10–11-синфлари ўқувчилари учун – 7 соат, интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатларининг 8–9-синфлари ўқувчилари учун – 12 соат;

дарс машғулотининг давомийлиги – 45 дақиқа;

дарс машғулотлари оралиғидаги танаффуснинг давомийлиги – 5–10 дақиқа.

16. Ўкув курсларида ҳар бир синф ўқувчилари, шу жумладан, битта синфнинг ўғил ва қиз болалари учун машғулотлар касб ва машғулотларнинг турлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб ҳамда ўқувчиларнинг хоҳиш ва истагини инобатга олган ҳолда алоҳида-алоҳида ташкил этилади.

Икки ёки ундан ортиқ синф ўқувчиларини қўшган ҳолда машғулотлар ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

17. Ўқувчиларнинг касб-хунарга оид компетенцияларини (билим, кўникма ва малакалари) аниқлаш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимни вазирлиги томонидан белгиланадиган баҳолаш мезонлари асосида ўқув курси давомида куйидаги назорат турлари бўйича амалга оширилади:

жорий назорат – ўқувчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакалари, касбга оид кўникмаларини намойиш этиш, лойиҳалаш, гуруҳларда ишлаш, савол-жавоб, муҳокама, ёзма иш кўринишида амалга оширилади;

оралиқ назорат – чорак ва ярим йиллик якуни бўйича ўқувчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш учун ўқув дастурининг маълум бир мантиқий якунланган қисми тугаганидан сўнг амалий кўникмаларни намойиш қилиш ёки ёзма иш кўринишида амалга оширилади;

якуний назорат – ўқувчи танлаган мутахассислик бўйича касбга ўқитиш жараёни тугаганидан сўнг эгаллаган касб-хунар бўйича компетентлигини амалий намойиш этиши орқали якуний давлат аттестациясидан ўтказилади.

18. Ўқув курсидаги якуний назорат иши умумий ўрта таълим муассасалари якуний давлат аттестациясидан камида бир ҳафта аввал ўтказилади.

19. Ўқув курсини муваффақиятли тугатган ўқувчиларга меҳнат қилиш хуқуқини берувчи ушбу Низомга 2-иловада келтирилган шаклда касб малакаси бўйича давлат намунасидаги сертификат берилади.

Малака талабларига мувофиқ якуний назоратдан ўта олмаган ўқувчилар учун қайта якуний назорат ҳар йилнинг август ойида ташкил этилади.

Қайта якуний назоратдан ўта олмаган ўқувчиларга касбий таълимни олганлиги тўғрисидаги маълумотнома берилади.

20. Ўқув курсидаги ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ бошқа масалалар таянч ўқув режаси ва ўқув дастурига мувофиқ белгиланади.

21. Ўқув курслари фаолиятининг самарадорлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимни вазирлиги томонидан доимий мониторинги олиб борилади.

4-боб. Ўқувчилар соғлиғини муҳофаза қилиш

22. Ўқувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш ихтисослаштирилган таълим муассасасига бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

Үқув курсида ташкил этиладиган касбга ўргатиш ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига үқувчилар томонидан риоя қилиниши учун ихтисослаштирилган таълим муассасаси раҳбари, меҳнат фани ўқитувчиси ва педагог ходимлари, үқув курсида даволаш-профилактика тадбирларини ташкил этиш, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши учун эса ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган тиббиёт ходимлари масъулдирлар.

23. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси томонидан тиббиёт ходимларининг фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар (махсус хона, мебель ва тиббий жиҳозлар, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори-дармонлар) яратиб берилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

24. Үқув курси фаолиятини молиялаштириш ихтисослаштирилган таълим муассасасининг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

25. Үқув курси ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда иш ҳақларига устамалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

26. Үқув курсини қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг буйруғи билан үқув йили якунида ёки үқув йили бошланишидан аввал амалга оширилади.

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар
учун ихтисослаштирилган давлат таълим
муассасаларида касбга ўқитиш курсларини
ташкил этиш тўғрисида низомга
1-илова

**Ўқув курсларини жиҳозлаш учун талаб этиладиган
асбоб-ускуналар ва жиҳозлар
РЎЙХАТИ**

T/p	Асбоб-ускуналар номи	Ўлчов бирлиги	Сони
Мебеллар ва ўқув – кўргазмали қуроллар*			
1.	Касбий таълим устаси столи	дона	1
2.	Яримюмшоқ стул	дона	1
3.	Ўқувчи столи ва стули	тўплам	12-15
4.	Китоб жавони	дона	2
5.	Маркерли доска	дона	1
6.	Касбга оид ўқув – кўргазмали қуроллар ва методик кўлланмалар тўплами**	тўплам	1
Асбоб-ускуналар ва жиҳозлар			
“Ошпазлик”, “Новвойлик”, “Қандолатчилик”, “Пазандачилик” йўналишлари бўйича			
7.	Ошхона жавони	тўплам	1
8.	Ошхона буюмлари тўплами	тўплам	1
9.	Крем учун маҳсус қопчалар	тўплам	1
10.	Қаҳва қайнатиш учун мослама	дона	1
11.	Плита (электр ёки газ) маҳсус	дона	1
12.	Электрпечь	дона	1
13.	Шарбат тайёрлагич	дона	1
14.	Гўштқиймалагич	дона	1
15.	Ультра тўлқинли иситгич	дона	1
16.	Миксер	дона	1
17.	Музлатгич, маҳсус	дона	1
18.	Металл иш столи	дона	1
19.	Идиш ювиш мосламаси (раковина)	дона	1
20.	Комбайн	дона	1
21.	Тарози	дона	1
“Тикувчилик”, “Бичувчилик” йўналишлари бўйича			
22.	Тикув машинаси (кўп тармоқли)	дона	10-15
23.	Тикув машинаси (оверлог)	дона	2-3
24.	Тикув машинаси (тугма қадайдиган)	дона	2-3
25.	Тикув машинаси	дона	2-3
26.	Маникенлар (болалар, аёллар, эркаклар)	тўплам	1

27.	Дазмол (дазмол тахтаси билан)	түплам	2-3
28.	Масштабли линейка	дона	10-15
29.	Лекало (турли катталикларда)	дона	10-15
30.	Метр (тахта 100 см)	дона	10-15
31.	Тасмали ўлчагич	дона	10-15
32.	Игна ва ангишвона	дона	10-15
33.	Қайчилар тұлами	дона	10-15
34.	Иш учун дастакли қайчилар	дона	2-3
35.	Игна (тикув машиналари учун)	дона	20-30
36.	Тик турадиган тош ойна	дона	1

“Сартарошлиқ”, “Косметолог” йұналишлари бүйича

37.	Соч қисқартириш машинаси	дона	2-3
38.	Универсал сартарошлиқ махсус курсиси гидравлик күттаргичлари ва оёқ учун таглик	дона	2-3
39.	Сув иситиш мосламаси	дона	1
40.	Анжомлар учун жавон (камод)	дона	2-3
41.	Фен	дона	2-3
42.	Қайчилар тұлами	дона	10-15
43.	Гароқлар түплами	дона	10-15
44.	Сочиқлар түплами	дона	10-15
45.	Кир ювиш машинаси	дона	1
46.	Бошни ювиш учун раковина	дона	2-3
47.	Соч дазмолаш усқунаси	дона	2-3
48.	Сочни бүг ёрдамида турмаклаш мосламаси	дона	2-3
49.	Тиббиёт қутиси	дона	1
50.	Темир бигудилар 15,20 мм	дона	25-30
51.	Пластмассали бигудилар 15,20 ва 25 мм	дона	25-30
52.	Кимёвий усулда турмаклаш учун ишлатиладиган қисқичлар	дона	25-30
53.	Ойна	дона	2-3
54.	Ёғоч таёқчалар 15, 20 мм	дона	25-30
55.	Иссик қалпоқ	дона	2-3
56.	Пенюар	дона	2-3
57.	Педикюр, косметолог, маникюр жиҳозлари	түплам	2-3

“Фотографлик” йұналиши бүйича

58.	Фотоаппарат учун ёритгич	дона	2-3
59.	Сканер	дона	2-3
60.	Фоточироқ	дона	2-3
61.	Рангли принтер	дона	2-3
62.	Рақамлы фотоаппарат	дона	2-3
63.	Компьютер техникаси жамламаси (принтери билан)	түплам	2-3

“Косибчилик” йұналиши бүйича

64.	Табуретка	дона	25-30
-----	-----------	------	-------

65.	Пойабзални таъмирлаш дастгоҳи	дона	25-30
66.	Чархлаш станоги	дона	2-3
67.	Пойабзал таъмирлаш учун хомашёлар тўплами	тўплам	1
“Мусиқа асбобларини таъмирловчи уста” йўналиши бўйича			
Асбоб-ускуналар			
68.	Мусиқа асбобларини таъмирлаш учун асбоб-ускуналар тўплами	тўплам	2-3
69.	Мусиқа асбоблари тўплами	тўплам	2-3
“Зардўзлик”, “Гилам тўқиши”, “Каштачилик” йўналишлари бўйича			
70.	Оверлок машинаси	дона	1
71.	Тумбали тикив машинаси	дона	1
72.	Бичув столи	дона	1
73.	Қайчилар	тўплам	2-3
74.	Тиндиримали ювиш мосламаси	дона	1
75.	Омбирлар	тўплам	2-3
76.	Пичоқ ва тароқлар	тўплам	2-3
77.	Игналар тўплами	тўплам	2-3
78.	Тўқиши дастгоҳи	дона	1
79.	Кашта тикиш машинаси	дона	1
80.	Патила (ёғоч рейка)	дона	6-7
81.	Планшет	дона	6-7
82.	Сантиметр лентаси	дона	6-7
83.	Кашта тикиш учун махсус ускуналар	дона	6-7
84.	Тўрт бурчакли қўргошин бруслари	дона	6-7
85.	Маникенлар (болалар, аёллар, эркаклар)	тўплам	1
86.	Дазмол (дазмол тахтаси билан)	тўплам	2-3
“Дурадгорлик”***, “Ёғоч ўймакорлиги”***, “Мебель ясаш”***, “Накқошлик, рассомчилик”, “Кулолчилик” йўналишлари бўйича			
87.	Андава	дона	1
88.	Исканжали чилангарлик столи (оёқ ости таглиги билан)	тўплам	1
89.	Исканжали дурадгорлик столи (оёқ ости таглиги билан)	тўплам	1
90.	Ёғоч ўймакорлиги учун асбоблар жамламаси (20 номдаги ҳар хил ўйиш ускуналари ва пардоз асбоблари)	тўплам	6-7
91.	Искана	дона	6-7
92.	Қалам	дона	6-7
93.	Қалами шкуфта	дона	6-7
94.	Лулакаш	дона	6-7
95.	Минкор	дона	6-7
96.	Хирург пичноғи	дона	6-7
97.	Морпеч	дона	6-7

98.	Күргазмали қуроллар (усталар томонидан яратилған асарлар)	түплам	1
99.	Дурадгорлик асбоблари жамламаси:	түплам	6-7
100.	Арра	дона	2-3
101.	Майда тишли appa	дона	2-3
102.	Appa (чок)	дона	2-
103.	Пилта қалам	дона	6-7
104.	Пух қалам	дона	6-7
105.	Эгов (ёғочга ишлов бериш учун)	дона	2-3
106.	Эгов (сопли)	дона	2-3
107.	Ранда	дона	2-3
108.	Чизмачилик учун циркуль	дона	6-7
109.	Шерхебель	дона	2-3
110.	Ёғоч учун токарлик дастгоҳи	дона	2-3
111.	Арраловчи дастгоҳ (столда ишлаш учун)	дона	2-3
112.	Электродрель	дона	2-3
113.	Үткірлаш учун дастгоҳ	дона	2-3
114.	Пармаловчи дастгоҳ (столда ишлаш учун)	дона	2-3
115.	Хар хил диаметрли парма	түплам	6-7
116.	Пармаловчи дастгоҳ учун исканжа	дона	2-3
117.	Рандалаш усқунаси	дона	2-3
118.	Шпатель	дона	2-3
119.	Сирланган идиш 10 литрли (кулол учун)	дона	2-3
120.	Сирланган идиш 10 литрли (сув учун)	дона	2-3
121.	Лой сақлаш учун яшик	дона	2-3
122.	Пластмассадан тайёрланган сифим 10 литрли (ахлат учун)	дона	2-3
123.	Үлчаш асбоблари жамламаси	түплам	2-3
124.	Чизғич	дона	6-7
125.	Шоқул	дона	2-3
126.	Метр	дона	2-3
127.	Штангелциркул	дона	2-3
128.	Портретлар түплами (кулолчилар 3 дона, ганчкорлар портрети 3 дона, ўймакорлар портрети 3 дона)	түплам	2-3
129.	Шарсимон тегирмон	дона	2-3

“Радиоэлектроника воситаларни таъмирлаш”, “Маиший техникаларни таъмирлаш” йўналишлари бўйича

130.	Автотрансформатор	дона	1
131.	Асосий системалар аналогли тренажери	дона	1
132.	Универсал ток манбайи	дона	1
133.	Бокорез	дона	12-15
134.	Вольтметр	дона	6-7

135.	Түғрилагич блок	дона	12-15
136.	Юқори частотали генератор	дона	1
137.	Импульсli генератор	дона	1
138.	Паст частотали генератор	дона	1
139.	Каршиликлар магазини	дона	1
140.	Хар хил диодлар	дона	12-15
141.	C, L, R ўлчагичи	дона	1
142.	Яримўтказгичли приборлар параметрлари ўлчагичи	дона	1
143.	Ток калибратори	дона	1
144.	Кисточка	дона	2-3
145.	Ток ўлчаш қисқичлари	дона	1
146.	Хар хил конденсаторлар	дона	12-15
147.	Мегомметр	дона	1
148.	Мултиметр	дона	12-15
149.	Радиомонтажчининг асбоблари тўплами	дона	12-15
150.	Осциллограф	дона	2-3
151.	Хар хил отвёрткилар	дона	12-15
152.	Радиомонтажчининг столи, ҳаво тортиш мосламаси билан	дона	12-15
153.	Кўргазма столидаги бошқарув пульти	дона	1
154.	Хар хил қаршиликлар	дона	12-15
155.	Реостат	дона	2-3
156.	Чилангарлик иш столи	дона	2-3
157.	Йигув-монтаж ишлари столи	дона	1
158.	Лаборатория усқуналари билан аппаратларни текшириш, синовдан ўтказиш ва созлаш ишлари учун стол	дона	1
159.	Хар хил транзисторлар	дона	12-15
160.	Трансформаторлар (паст частотали)	дона	2-3
161.	Антенна тренажери	дона	1
162.	Универсал ўраш машинаси	дона	2-3
163.	Универсал ток манбай	дона	1
164.	Фазометр	дона	1
165.	Рақамли ўлчаш асбоблари	дона	2-3
166.	Рақамли тестер	дона	1
167.	Рақамли частотомер	дона	1
168.	Электропаяльник таглиги билан	дона	12-15
“Компьютер оператори***”, “Компьютерларга техник хизмат кўрсатиш” йўналишлари бўйича			
169.	Ўқувчи учун компьютер столи	тўплам	12-15
170.	Касбий таълим устаси компьютер техникаси (принтер билан)	тўплам	1
171.	Ўқувчилар учун компьютер техникаси	тўплам	12-15

172.	Wi-fi адаптер	дона	1
173.	Веб камера	дона	1
174.	Электр токини меъёрлаштирувчи блок 36V	дона	1
175.	Электрон тестер	дона	6-7
176.	Кавшарлагич	дона	6-7
177.	Турли хил лупалар	тўплам	6-7
178.	Стол лампаси	дона	6-7
179.	Асбоблар (отвёртка, омбирлар ва бошқалар)	тўплам	6-7
180.	Лазер билан кўрсатувчи таёқча	дона	2-3
181.	Чангютгич	дона	1

“Металга техник ишлов берувчи (токарь)”, “Чилангарлик”*,
“Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш”,
“Пайвандлаш” йўналишлари бўйича**

<i>Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш</i>			
182.	Қувурлар намуналари (пўлат, чўян, пластмасса, керамиқ, асбест қувурлар)	тўплам	2-3
183.	Пўлат қувурларни ўзаро бириттирувчи қисмлар (бурчаклик, учланма, крестовина)	тўплам	2-3
184.	Муфта турлари (бириктирувчи гайкалар, контргайкалар, улама, турли фланецлар)	тўплам	2-3
185.	Чўян қувурларни ўзаро бириттирувчи қисмлар (кенгайган оғизли, бир томони кенгайган гардишли, қувурнинг кенгайган оғизли, тирсаклар, тарновлар, улагич отводлар)	тўплам	2-3
186.	Арматуралар (пўлат, чўян, рангли металл, задвижжалар, чўян, пўлат)	тўплам	2-3
187.	Изоляция материаллари турлари: (минерал тола, шиша тола, битум материаллари)	тўплам	2-3
188.	Трубаларга резьба очувчи дастгоҳ	дона	2-3
189.	Труба эгувчи дастгоҳ	дона	2-3
190.	Ванна	дона	1
191.	Унитаз	дона	1
192.	Трап ва сифонлар	дона	1
193.	Писсуар	дона	1
194.	Поддон	дона	1
195.	Раковина	дона	1
196.	Ювиш қурилмалари	тўплам	1
197.	Сув тақсимлаш клапанлари	дона	1
198.	Металга техник ишлов берувчи (токарь)		
199.	Вертикал пармалаш дастгоҳи	дона	1
200.	Вертикал консол-фреза дастгоҳи	дона	1
201.	Горизантал консол-фреза дастгоҳи	дона	1

202.	Чархлаш дастгоҳи	дона	1
203.	Микрометр	дона	1
204.	Химоя күзойнаги	дона	2-3
205.	Кескич (резец)лар (турли хил)	түплам	1
206.	Пармалар (турли хил)	түплам	1
207.	Универсал чархлаш дастгоҳи	дона	2-3
208.	Холинговал дастгоҳи	дона	1
209.	Доирасимон силлиқлайдиган (шлифовкалайдиган) дастгоҳ	дона	1
210.	Ярим маҳсулот (заготовка)лар учун стеллаж	дона	2-3
211.	Токарлик винт-кесиш дастгоҳи	дона	1
212.	Фреза дастгоҳи	дона	1
213.	Асбоб-ускуналар учун шкаф	дона	2-3
214.	Чилангарлик		
215.	Чилангарлик верстаги тискаси билан	дона	2-3
216.	1, 2-ўлчамдаги қувур калитлари	дона	1
217.	Пармалаш учун кондукторлар	дона	1
218.	Абразивли доира	дона	2-3
219.	Рандалаш дастгоҳи	дона	1
220.	Фреза (металлга ишлов берадиган айланма барабанли машина) дастгоҳи	дона	1
221.	Шлифовкалаш (пардозлаш) дастгоҳи	дона	1
222.	Гайка калитлари түплами	түплам	1
223.	9 — 16 мм диаметрли пармалаш патрони	дона	1
224.	Чархлаш учун тоштахта	дона	2-3
225.	Белги қўядиган плита	дона	2-3
226.	Стол усти чархлаш дастгоҳи таглиги билан	дона	1
227.	Стол усти пармалаш дастгоҳи таглиги билан	дона	1
228.	Стол усти токарлик дастгоҳи таглиги билан	дона	1
229.	Ярим тайёр маҳсулот учун стеллаж	дона	2
230.	Деталларни ташиш учун арава	дона	1
231.	Қувур эгиш мосламаси	дона	1
232.	Асбоблар учун металл шкаф	дона	2-3
Пайвандлаш			
233.	Газда кесадиган асбоб-ускуналар	түплам	2-3
234.	Газ пайвандлаш аппарати жамланмаси	түплам	2-3
235.	Дефектоскоп	түплам	2-3
236.	Диэлектрик гиламча	дона	2-3
237.	Химоя никоби (щиток)	дона	12-15
238.	Химоя күзойнаги	дона	12-15
239.	Пайвандловчи учун асбоблар мажмуи	түплам	12-15
240.	Заррабин (лупа)	дона	2-3

241.	Контакт йўли билан аниқ (кичик жой) пайвандлаш машинаси	тўплам	2-3
242.	Металлмас материалларни газ оловли пайвандлаш жиҳози	тўплам	1
243.	Аргонли электр ёйи ёрдамида пайвандлаш жиҳози	тўплам	1
244.	Карбонат ангидрид гази (CO ₂) ёрдамида пайвандлаш жиҳози	тўплам	1
245.	Мосламалар (струбцина, қисқич)	тўплам	2-3
246.	Пластмасса профиллари (кесими)ни пайвандлаш аппарати	тўплам	2-3
247.	Пайвандлаш автомати	тўплам	2-3
248.	Пайвандлаш тўғрилагичи (выпрямитель)	тўплам	2-3
249.	Пайвандлаш ярим автомати (яримавтомат)	тўплам	1
250.	Пайвандлаш трансформатори	тўплам	2-3
251.	Пайвандловчининг маҳсус кийими (ботинка, куртка, шим, брезент енглар)	тўплам	12-15
252.	Универсал чархлаш дастгохи	дона	1
253.	Пайвандлаш ишлари учун стол-верстак	дона	12-15
254.	Деталларни сиқишиш ва бўшатиш учун тиргак	дона	2-3
255.	Пайванд чокларини текшириш учун андоза, қолип	тўплам	1
256.	Штатив	дона	12-15
257.	Кўргазмали қуроллар (плакатлар ва схемалар)	тўплам	1
258.	Газда кесадиган асбоб-ускуналар	тўплам	2-3

Изоҳлар.

* Мебеллар ўкув курси бўйича назарий соатлар учун ажратилиди, шунингдек, назарий соатларда таълим муассасасининг дарс жадвалига таъсир этмаган ҳолда синф хоналаридан фойдаланиш мумкин.

** Касбга оид ўкув-кўргазмали қуроллар ва методик қўлланмалар сони, ўлчами ва мавзуси бўйича маълумотлар ўкув курсларининг ўкув дастурлари асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи Ўкувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази томонидан тақдим этилади.

***Касб-хунар мактабларининг дарс жадвалига таъсир этмаган ҳолда “Компьютер оператори”, “Компьютерларга техник хизмат кўрсатиш” йўналишлари бўйича ўкув компьютер синифидан, “Дурадгорлик”, “Ёғоч ўймакорлиги”, “Мебель ясаш”, “Металлга техник ишлов берувчи (токарь)”, “Чилангарлик” йўналишлари бўйича устахонасидан бепул фойдаланилади.

Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада сотиладиган майший электр приборларини, янгидан қуриладиган бинолар ва иншоотларни энергетика жиҳатидан мажбурий маркировкалаш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 9 апрелдаги 86-сон қарорига мувофиқ ушбу жиҳозлар ва асбоб-ускуналарда назарда тутилган техник воситаларнинг энергия самарадорлиги инобатга олинishi лозим. Таълим муассасалари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек, қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан бошқа турдаги зарур жиҳозлар билан ҳам таъминланиши мумкин.

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар
учун ихтисослаштирилган давлат таълим
муассасаларида касбга ўқитиш курсларини
ташкил этиш тўғрисида низомга
2-илова

Сертификатнинг ички чап томони:

(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири)

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KASB MALAKASI SERTIFIKATI
S № 0000000**

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

20 ____ yilda

(o'quv kursi nomi)

____ ning to'la kursini

yo'nalish bo'yicha tamomladi.

Davlat attestatsiya komissiyasining 20 ____ yil "____" _____ dagi qaroriga
binoan unga

—
va

kasbi

_____ berildi.

M.O' Davlat attestatsiya komissiyasi raisi

**Direktor
Kotib(a)**

Ro'yxat raqami

_____ shahri (tumani), _____ yil

—

*Сертификатнинг ички ўнг томони:
(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири)*

**THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
SERTIFIKATS OF PROFESSIONAL QUALIFICATION
S № 0000000**

(full name)

completed the full course of

(name of training course)

on

20 ____ year. in

(field of study)

In accordance with the decision of
the State Attestation Commission of _____ “__” 20 ____ year.
He/she is qualified
as

_____ (name of profession)

and has the
following
specialty(ies)

_____ (name of
specialty(ies))

**Chairman
of State
(Seal) Attestation Director Secretary
Commission**

_____ city
(district)
20 ____ year

Registration Number _____

Касбга ўқитиши курсларини тугатган ўқувчиларга бериладиган давлат намунасидағи сертификат ТАВСИФИ

Касб малакаси сертификати 150 x 100 мм ўлчамли яхлит қолланған яшил (аъло даражали сертификат қызил-мармар) рангли ледериндан тайёрланған күриништа эга. Унинг юза томонида босма нақш усулида олтин рангда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилди ва ундан пастроқда давлат тилида “KASB MALAKASI SERTIFIKATI” сүзлари ёзилади.

Сертификатнинг ички варақ ўлчами 142 x 95 мм, жойлашиш тартиби – горизонтал, офсет босма усулда, бүёклар сони “оддий” – 4+№, “аъло даражали” – 5+№.

Сертификатнинг ҳар икки варағида саккизта позицияда: S ҳарфи ва еттита рақамли тартиб рақами ёзилади.

Мұқова материали ранги бити्रувчилар сертификати – түқ яшил, “аъло даражали” битириувчилар сертификати қызил-мармар рангли. Түғри бурчакли (юмшоқ ёстиқча) билан қолланған қаттық мұқова. Мұқова материали – бүмвинил (қофоз қатлами асоси поливинилхлорид) түқ яшил ва қызил-мармар рангли, материал қалинлиги 170 ± 20 мкм. Мұқовада матн олтин ранг зарли қофозда, диаметри 45 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва “KASB MALAKASI SERTIFIKATI” номи қиздириб нақш солиши йўли билан ёзилади.

Қоғоз тафсилоти:

қоғоз – 100% пахта, қалинлиги 140 ± 5 г/м², оқартыргичсиз, акс этмайдиган ультрабинафша нури;

ёруғликда яхши күринадиган «пахта кўсаги» кўринишидаги асосий уч ўлчовли сув белгиси;

кўринадиган рангли тола қизил ва яшил тусда, қоғоз сиртида тартибсиз жойлашган, узунлиги 2,5 – 3 мм, “киприк” шаклида, кўз билан кўринади;

кўринмайдиган тола кўк ва оч яшил тусда, қоғоз қатламида тартибсиз жойлашган, узунлиги 2,5 – 3 мм, “киприк” шаклида ультра бинафша нурлари остида кўринади.

Босма тафсилоти:

босма жараёнида эксклюзив кимёвий турғун матбаа бүёклари қўлланилади;

ички варақнинг асосий фони оч жигарранг, икки тангир сеткадан пайдо бўлган ингичка синусоидал чизикдан ташкил топган нусха кўчирмайдиган химоя сифатида хизмат қиласи;

тангир сеткаларининг бири «ирис» эфектини қўллаш билан чоп этилади, яъни марказда яшил рангдан четлари бўйича ҳаво рангга равон ўтади;

ички варақ марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби чоп этилади, диаметри 35 мм, саккиз бурчак билан хошияланади;

бланканинг тўрт бурчагида мураккаб чизиқли нақш жойлаштирилади. Бу нақшлар ҳар хил қалинликдаги чизиқлардан ташкил топади, шакли ва зичлиги бир-бирига қопланиб, ягона зарҳални юзага келтиради. Қалбакилиқдан, нусха кўчирмайдиган ва сканерланмайдиган ҳимоя сифатида хизмат қиласди;

ички варақнинг икки тарафи марказида “Ҳумо” қуши (25 x 40 мм ўлчамли) қиёфасида кўринмайдиган тасвир жойлаштирилади;

кичик сўз, бир неча бор катталаштирилганда гина кўринади, узлуксиз чизиқни юзага келтиради ва такрорланадиган “SERTIFIKAT” сўзидан иборат. Кичик сўз юқори қисмида “KASB MALAKASI SERTIFIKATI” сўзи остида чап тарафда ва “REPUBLIC OF UZBEKISTAN” сўзи остида ўнг тарафда жойлашади. Нусха тушириш ва қалбакилаштиришдан ҳимояланади;

серия “S” ва етти хонали рақам, икки тарафда бир хил берилади. Рақам қора флуоресценция бўёғида чоп этилади, ультрабинафша нурларида яшил рангда ёруғлик сочади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 12 октябрдаги 638 –сон қарорига
7-илова

**Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олиши
ва касб эгаллашига кўмаклашишни ташкил этиш бўйича ишчи гурух
ТАРКИБИ**

- | | |
|-------------------|---|
| 1. Ш. Шерматов | – Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири, <i>ишчи гурӯҳ раҳбари</i> |
| 2. В. Ражапов | – Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, <i>ишчи гурӯҳ раҳбари ўринбосари</i> |
| 3. Э. Боситхонова | – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари |
| 4. Р. Ҳакимов | – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг ўринбосари |
| 5. Э. Мухитдинов | – Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари |
| 6. Ж. Абруев | – Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари |
| 7. И. Норкулов | – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари |
| 8. Г. Маърупова | – Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари |
| 9. Б. Каримов | – Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директорининг ўринбосари |
| 10. С. Ашурев | – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари |
| 11. О. Қўйсинов | – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи |
| 12. Ф. Ахмедов | – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, <i>ишчи гурӯҳ котиби</i> |

13. *Лавозимига кўра*

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари

Изоҳ. Иичи гурӯҳи аъзолари боиқа ишига ўтганда, унинг таркибига ушибу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишили функцияларни бажарии юклатилган шахслар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 12 октябрдаги 638-сон қарорига
8-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2011 й., 9-сон, 77-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимидағи ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 27 апрелдаги 243-сон қарорига 2-илованинг 6-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2020 йил 7 июлдаги 429-сон қарорига 1-илованинг 12-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 822-сон қарорига илованинг 16-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон қарорига илованинг 8-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 22 февралдаги 134-сон қарорига илованинг 2-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 8 сентябрдаги 703-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2017 й., 37-сон, 990-модда) илованинг 31-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 29 августдаги 679-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2017 й., 35-сон, 931-модда) илованинг 17-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил

13 мартағи 130-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 15-сон, 249-модда) 1-илованинг 39-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлариға ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2014 йил 3 июлдаги 138-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 15-сон, 249-модда) илованинг 17-банди.

